



НУҚУ

1997-йил 27-avgustdan chiqq boshlagan

www.huquq.uz

2020-Ҳ. 9-ИҲУЛ, №27 (1224)

BOSH PROKURATURADA

НАВБАТДАН ТАШҚАРИ ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ



2020 йилнинг 6 июль куни Бош прокурор Ниғматилла Йўлдошев раислигида навбатдан ташқари ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳар прокуратураси органларининг пойтахтда жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолияти кўриб чиқилди.

Видеоселектор тарзида ўтказилган мажлисда Бош прокуратура раҳбарияти, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари, уларнинг ўринбосарлари, пойтахт туманлари прокурорлари ва соҳага масъул бошқа ходимлар қатнашди.

Қайд этилишича, шаҳарда фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларни барвақт аниқлаш ва

уларнинг олдини олиш бўйича бошқа идоралар билан ҳамкорликда муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Замонавий ахборот технологияларини кенг татбиқ этган ҳолда «Хавфсиз пойтахт» концепцияси ҳам изчил жорий қилинапти. Бунинг натижасида ўтган 5 ойда маҳаллаларнинг 44 фоизда жиноятлар камайган бўлса, 43 фоизда умуман жиноят содир этилмаган.

Шунингдек, касддан баданга оғир шикаст етказиш 6 фоиз, номусга тегиш 54, талончилик 55, гуруҳлар жинояти 23, аёллар жинояти эса 32 фоиз камайишига эришилган.

Шу билан бирга, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашда камчиликларга йўл қўйилаётгани кўрсатиб ўтилди.

Ҳайъат мажлисида шаҳарда криминоген вазият барқарорлигини сақлаш, жумладан, ҳуқуқбузарликлар профилак-

худудлар бўйича, аниқ ракам ва мисоллар асосида танқидий муҳокама қилинди.

Таъкидланишича, пойтахт ҳудудида ўтган даврда қотиллик 10 фоиз, ўғирлик 38, безорилик 54, босқинчилик 170, вояга етмаганлар жинояти 53, ўқувчилар жинояти 63 фоизга ошган.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш, шахсларни профилактик ҳисобга қўйиш ва улар билан ишлашда ҳам кўплаб тизимли

туралари раҳбарлари ва соҳага масъул ходимларнинг йўл қўйилган камчиликлар бўйича ҳисоботлари эшитилди. Хизмат вазифаларини етарлича бажармаган ходимларга катъий чоралар кўрилди.

Бундан ташқари, жиноятчиликнинг олдини олиш, халқимиз осойишталиги ва тинчлигини сақлаш билан боғлиқ вазифалар ижросига виждонан, ҳалол ва юксак масъулият билан ёндашиш, куч ва имкониятларни тўлиқ сафарбар қилиш зарурлиги таъкидланди.

Барча даражадаги прокурорлардан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг фаолиятида қонунларга риоя этилиши устидан назоратни кескин қучайтириш, айниқса, инсон ҳуқуқлари бузилишининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилди.

Тадбир якунида бошқа идоралар билан ҳамкорликда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича комплекс тадбирларни амалга оширишга қаратилган зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Муродбек МАҲМУДОВ,
Бош прокуратура бошқарма катта прокурори



тикаси ва тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш, жиноятларни рўйхатга олиш ва ҳисобини юритиш борасида йўл қўйилаётган нуқсонлар, бу соҳада прокурор назоратини таъминлашдаги суғашликлар

камчиликлар кўрсатиб ўтилди.

Терговга қадар текширув ва тергов ўтказишда йўл қўйилган камчиликлар кескин танқид қилинди.

Ҳайъат йиғилишида Тошкент шаҳар ва туман прокура-

ҲАРБИЙЛАР ФАОЛИЯТИ ЎРГАНИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори генерал-майор Шухрат Узаков 29 июнь – 2 июль кунлари Шарқий ҳарбий округ ҳудудида жойлашган Фарғона ва Андижон вилоятларидаги ҳарбий қисмларда бўлди.

Сафар давомида ҳарбий хизматчилар учун яратилган қулайликлар, уларнинг оилаларининг яшаш шароити ва ижтимоий ҳимояси масалалари ўрганилди.

Шунингдек, Шухрат Узаков ҳарбий қисм-

лардаги кутубхоналар, аскар ва офицерлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, ёшларни ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасида қилинаётган ишлар, шу билан бирга санитария-эпидемиология қондаларига қандай

риоя этилаётгани билан яқиндан танишди.

Ўрганишлар якунида ҳарбий округ қўмондонлиги ва ҳарбий қисмлар командирларига тавсиялар берилди.

Ботирбек СОБИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси



2020 йил 8 июль
соат 17:30 ҳолатига



Касалланганлар
10982 нафар



Соғайганлар
6888 нафар



Вафот этганлар
42 нафар

ИСТИҚБОЛНИНГ МУҲИМ МЕЗОНИ

Мингбулоқ туманида «Ёшлар ойлиги» доирасида туман прокурори Муҳаммадхон Жўраев ёшлар билан онлайн мулоқот ўтказди. Унда прокурор ёшларга ҳалоллик, тўғри йўлдан оғишмаслик, ўқиб-ўрганиш истиқболга муносиб пойдевор эканлигини таъкидлаб, уларни коррупция, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасиз бўлишга ундади.

Онлайн суҳбат асносида тадбиркорликни ривожлантириш, ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларга қобилиятини рўёбга чиқариш учун имконият яратиш бериш масалалари кун тартибиди бўлди. Ёшлар янги иш ўринлари яратиш, ҳуқуқлар ҳимояси ва бошқа муҳим масалалар юзасидан прокурорга савол бериб, батафсил жавоб олдилар. Туман прокурори ёшлар билдирган фикрлар, таклиф ва истаклар, албатта, инobatта олиниб, ҳар бир мурожаат кўриб чиқилиши ва ижобий ечимини топишини таъкидлаб ўтди.

Туманда бу борадаги ишлар давом эттирилмоқда. Хусусан, пандемия даврида 1600 га яқин ишсиз ёшлар рўйхати тузилиб, уларга 2 сотихдан иссиқхона, 10 сотихдан шולי майдони ажратиб берилиши натижасида мингга яқин йигит-қизлар иш билан таъминланди.

Нодирбек ҲАСАНБОЕВ,
Мингбулоқ тумани прокурорининг катта ёрдамчиси



ФАОЛИЯТ

«САХОВАТ ВА КЎМАК» ҲАРАКАТИ ДОИРАСИДА

Коронавирус пандемияси даврида халқимиз орасида меҳр-оқибат ришталари мустаҳкамланди. Зеро, ҳаётнинг бу каби синовларида тобланган халқимиз уни инсонийлик хислатларини намоён этиш орқали энгиш мумкинлигини жуда яхши билади.

Айтиш мумкинки, вақтида ташкил этилган «Саховат ва кўмак» жамғармаси аҳолини жипслаштиришга хизмат қилмоқда. Айниқса, камбағал оилалар эътибордан четда қолиб кетмаслиги масаласида сектор раҳбарларига улкан масъулият юкланди.

Андижон вилоятидаги прокурор секторларида 187 минг 443 та оилада 742 мингдан зиёд киши истиқомат қилади. Улар ўрганиб чиқилганда, 10 мингдан ортиқ оила ёрдамга муҳтожлиги аниқланди.

Шунга кўра уларнинг ҳар бирига ташаббускор тадбиркорлар бириктирилди. Улар мазкур оилаларни ҳар ўн беш кунда керакли озиқ-овқатлар билан таъминлаб борди. Жумладан, жамғарма ва хомийлар маблағи ҳисобига 16 мингдан зиёд оилага 6 млрд. 641 млн. сўмлик ёр-

тор ҳудудидаги камбағалларнинг бандлигини таъминлаш бўйича 3042 та лойиҳа тузилди. Хусусан, биргина иқтисодий комплексда 1877 та лойиҳа орқали 4 мингдан зиёд камбағал оилани ишга жалб этиш мумкин. Қишлоқ хўжалигида эса мингдан ортиқ лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш орқали 3200 га яқин киши ишли бўлиши аниқланди.

Ҳозир 1197 та лойиҳа ҳисобига 5266 та оиланинг даромадини оширишга эришилди. Жумладан, иқтисодий комплексда ўртача 2 миллион сўмга яқин иш ҳақи берилган 2 мингдан зиёд иш ўрни яратилди. Айни дамда бу каби оилаларга кластерлар бириктирилиб, ўзлари қизиққан йўналишлар бўйича парранда, кўён ва эчки тарқатилмоқда. Албатта, бу жараёнда ҳам аҳолининг

10 мингдан ортиқ оиланинг ёрдамга муҳтожлиги аниқланди.

дам кўрсатилди. Шундан 11785 тасига 2 млрд. 258 млн. сўмлик озиқ-овқат, 1058 тасига эса қарийб 716 млн. сўм нақд пул берилди. 50 та оиланинг 7 млн. 810 минг сўмлик қарзи тўлаб берилди.

Давлатимиз раҳбари камбағалликни қамайтиришга ижтимоий ёрдам кўрсатиш ёки ойлик ва нафақани кўпайтириш орқали эмас, балки одамларда тадбиркорлик ҳиссини уйғотиш орқали эришиш мумкинлигини алоҳида таъкидлаб, бу борада ўз таклифларини илгари сурмоқда. Яъни, камбағалларни боқимандалик кайфиятидан халос этиш йўли танланди. Шунга мувофиқ сек-

тор ҳудудидаги камбағалларнинг бандлиги таъминланади. Энг асосийси, прокурорлар секторидидаги даромад топа бошлаган 241 та оилани шу тариха камбағалликдан чиқариш кўзда тутилган.

Умуман олганда, 1091 та оиладан 5266 тасининг ойлик даромади камида 3 миллион сўмга етказилади. Йил якунига қадар яна 5 минг оила улар сифига кўшилиди.

«Харакатда баракат» дейишади. Сектор раҳбарларининг мақсади аҳоли имкониятлардан тўлиқ фойдаланишига шароит яратиш беришидир.

Ғайратжон ФОЗИЛОВ,
Андижон вилояти прокурори

ТАШАББУСКОР ЁШЛАРГА ЭЪТИБОР

Фарғона вилояти прокуратураси томонидан тадбиркорлик фаолиятида келиб чиқаётган муаммоларни ҳал этиш ҳамда ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида жойларда учрашувлар ташкил этилмоқда.

Яқинда вилоят прокурори Я.У.Қосимовнинг Фарғона тумани тадбиркорлари ва ёшлари билан навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди. Унда мутасадди ташкилот раҳбарлари, тадбиркорлар ва тадбиркорликни йўлга қўйиш истагида бўлган ташаббускор ёшлар ҳамда мактаб битирувчилари иштирок этди.

Учрашувда тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларининг мазмун-моҳияти, тадбиркорларга берилаётган имтиёзлар ва преференциялар ҳақида батафсил тушунчалар берилди. Тадбир давомида та-

дбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган 10 нафар ёшлар ва тадбиркорлар муаммоларини ҳал этиш борасида ҳамда кам таъминланган оилаларнинг 8 нафар битирувчи ёшлари тадбиркорлик фаолиятларини йўлга қўйиш, шунингдек, субсидия маблағлари ҳисобидан иссиқхона куриб беришда амалий ёрдам сўраб мурожаат қилишди.

2 нафар мактаб битирувчисининг мурожаати жойида ҳал қилинди. 43-мактабнинг 11-синф ўқувчиси, 2-гурух ногирони Ш.Толибжоновга дастурлаш фаолияти билан шуғулланиши учун компьютер жамланмаси

совга қилинди. Шунингдек, чевархона очишни ният қилган, иш бошлаш учун амалий ёрдам беришни сўраган 3-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф битирувчиси М.Мукаррамовага замонавий тикув машиниси совга қилинди. Тумандаги мактабларнинг билимларни чуқур эгаллаган, ўзларининг ҳулки билан намуна кўрсатган 8 нафар битирувчи ёшларига медаллар топширилди.

Учрашувда келиб тушган барча мурожаатларни тезкорлик билан ҳал этиш ҳусусида тегишли чоралар белгиланиб, уларнинг ижроси назоратта олинди.

Аъзамжон ТУРСУНАЛИЕВ,
Фарғона тумани прокурорининг ёрдамчиси лавозимида иш ўрганивчи

МУРОЖААТЛАР ИЖОБИЙ ЕЧИМ ТОПМОҚДА

2020 йилнинг июнь ойида Мудофаа вазирлигининг Тошкент вилояти Чиноз туманида жойлашган Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучларига қарашли ҳарбий қисмда Тошкент ҳарбий прокуратураси томонидан мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда сайёр қабул ўтказилган эди.



Унда Чиноз тумани ҳокимлиги, мактабгача таълим ва халқ таълими бўлимлари, бандликка кўмаклашиш ва давлат хизматлари марказлари, мажбурий ижро бюроси, ички ишлар ва банк ходимлари билан биргаликда 70 нафар ҳарбий хизматчи ва уларнинг оила аъзоларининг арзи тингланди. Яшаш жойи бўйича доимий рўйхатга қўйиш, турмуш ўртокларини иш билан таъминлаш ва хизмат жойига янги келган ҳар-

бийларнинг фарзандларини таълим муассасаларига жойлаштириш ҳақидаги учта мурожаат ҳал этилган ва 17 та мурожаатни ҳал қилиш юзасидан масъулларга кўрсатма берилган эди.

Кеча Тошкент ҳарбий прокуратураси Чиноз тумани прокуратураси билан ҳамкорликда ушбу мурожаатлар юзасидан қилинган ишларни ўрганди.

Мурожаатлар юзасидан Чиноз тумани бандликка кўмаклашиш

маркази, мактабгача таълим бўлими ва бошқа ташкилотлар раҳбарларининг ахборотлари эшитилди. Эътиборлиси, мурожаатларнинг аксарияти ижобий ҳал қилинган.

Чинозда бу каби тадбирларни жадал давом эттириш ҳақида келишиб олинди.

Гулчеҳраҳон ТУRSУНОВА,
Тошкент ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси

Жамият тараққийети раҳна солувчи энг хавфли иллат коррупциядир. Унга қарши нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, балки ҳар бир жамоа жиддий курашиши керак. Бу кураш ҳар қандай жамиятда оғир кечади. Коррупция жиноятлари трансмилий хусусиятга эга бўлиб, унинг асосий мақсади — жамиятнинг соғлом муҳитини издан чиқаришдан иборат.

Миллий гвардия билан биргаликда агентликнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилиши тўғрисида низом ишлаб чиқилади.

Агентлик ўз фаолиятини қонунийлик, ҳолислик, ҳисобдорлик, очиқлик ва шаффоқлик принциплари асосида бошқа давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдорларидан мустақил равишда амалга оширади. У Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунди ва Олий Мажлис палаталари олдида ҳисобдор ҳисобланади.

Агентлик коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини, шунингдек, коррупцияга қарши курашиш чораларининг самарадорлигини оширишга қаратилган дастурларни амалга оширади. Жамиятда коррупциянинг барча кўринишларига мурасисиз муносабатни шакллантиради. Шу жумладан, давлат ва

га масъул кўмиталари, Қорақалпоғистон Жўқорги кенгесининг кўмитаси, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашларининг коррупцияга қарши курашиш комиссиялари билан ҳамкорлик қилади.

Коррупцияга оид жиноятлар оқибатида жамият ва давлатга етказилган зарар тўлиқ қопланилишига эришиш чорасини кўради. Фуқаролик жамияти институти билан биргаликда ҳудудлар, иқтисодиёт тармоқлари ва бошқа соҳалардаги коррупциянинг даражасини кўрсатувчи Коррупцияни қабул қилиш миллий индексини тузиш учун ҳам агентлик масъул ҳисобланади. Давлат харидлари соҳасида коррупциянинг олдини олиш ҳам агентлик зиммасига юклатилган.

Агентлик бюджет маблағининг сарфлавиши, давлат активларининг реализация қилиниши, давлат харидлари, инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши ва

Ходимлар агентликка халқаро стандартларга мувофиқ танлов асосида ишга олинади. Агентликка биринчи марта ишга қабул қилинадиган ходимлар ишдан ажратилган ҳолда Бош прокуратура академиясида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг назарий ва амалий масалалари, хорижий тажриба ва халқаро стандартларни қамраб олувчи ўқув дастурлари бўйича таълим олишлари керак бўлади.

Агентлик давлат харидлари соҳасида масъулиятни ошириш ва коррупцияни баргараф этиш мақсадида Молия вазирлиги ва Бош прокуратура билан биргаликда уч ой муддатда «Давлат харидлари тўғрисидаги қонун талабларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтиради. Эндиликда давлат харидлари доирасида тузилган шартномалар мажбурий равишда эълон қилинади, шунингдек, давлат харидлари танлов ва

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТИЗИМИНИНГ БАРҚАРОР АСОСИ



Коррупцияга қарши кураш кенг қўламли халқаро ҳамкорликни тақозо этади. Мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга ошириляпти. Хусусан, бюрократик тўсиқларни баргараф этиш ва яширин иқтисодиётни қисқартириш чоралари кўриляпти. «Коррупциясиз соҳа» лойиҳалари тағбиқ этилмоқда.

Давлат раҳбарининг 2020 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизimini такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 6013-фармони ва «Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 4761-қарори билан Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди. Қарорга мувофиқ агентлик бошқарув ходимларининг чекланган сони 50 та штат миқдорига белгиляниб, шундан 40 та штат Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг штатларини қисқартириш ҳисобига шакллантирилади. Агентлик уч ой муддатда Бош прокуратура ва Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда ходимлар учун халқаро ташкилотлар ва етакчи давлатларнинг коррупцияга қарши курашиш органларида стажировка ўташ ва тажриба алмашиш жадвалини ишлаб чиқиши лозим. Шу жумладан, Бош прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги,

ҳўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари ва устас капиталида давлат улуши бўлган корхоналар, шу жумладан банкларда коррупцияга қарши ички назорат тизimini, коррупцияга қарши курашишнинг бошқа халқаро воситаларини жорий этади ҳамда уларнинг рейтингини тузиб боради. Қолаверса, коррупциянинг олдини олиш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш, халқаро стандартларни ва илғор хорижий амалиётни жорий этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқади ва амалга оширади. Давлат хизматчиларининг даромад ва мулкни декларация қилиш тизimini жорий этади. Мазкур жараёнда аниқланган коррупция ҳолатларига ўз вақтида чора кўрилишини таъминлайди.

Энг муҳими, давлат хизматига ҳалоллик стандарти ва манфаатлар тўқнашуви ни ҳал этиш стандартларини жорий этади ва уларга риоя этилишини назорат қилади.

Мамлакатдаги коррупция юзасидан социологик, илмий тадқиқотларни ташкил этади. Коррупциянинг олдини олиш бўйича оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институти билан самарали ҳамкорлик қилиш ҳам агентликнинг вазифаларидан бирилади.

Энди агентлик ҳар йили Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш тўғрисида миқдлий маърузани тайёрлайди ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

Агентлик Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг коррупцияга қарши курашиш-

давлат дастурлари бажарилиши билан боғлиқ материалларни олиш ва ўрганиш ҳуқуқига эга.

Агентлик тўпланган материалларни жиноят иши кўзгайтиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдим этиши мумкин. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар бўйича эса маъмурий суриштирув ўтказиш, ижро ҳокимияти ва ҳўжалик бошқаруви органларининг қарорларида коррупция белгилари аниқланган ҳолларда уларнинг ижросини тўхтатиш ёки бекор қилиш тўғрисида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномаларни киритиш ваколатига ҳам эга.

Энг муҳими, агентликнинг мурожаати ўн кун ичида кўриб чиқилиши ва натижаси юзасидан ёзма ахборот берилиши шарт.

Агентлик ходимлари коррупциянинг сабабларини ўрганиш мақсадида давлат органлари ва ташкилотлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ушлаб турилганларни ва қамокка олинганларни сақлаш жойлари, жазони ижро этиш муассасаларига монеликисиз киришга ва ҳужжатлар билан танишишга ҳақли. Фармонга мувофиқ эндиликда Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идораларо комиссияси ва унинг ҳудудий комиссиялари Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши ва унинг ҳудудий кенгашлари этиб қайта ташкил этилади, агентлик миллий кенгашнинг ишчи органи ҳисобланади.

тендер орқали замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда фақат электрон шаклда амалга оширилади.

Агентлик зиммасига яна бир қанча вазифалар юклянди. Аввало Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққийёт ташкилотининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари учун коррупцияга қарши курашиш бўйича тармоғининг Истанбул ҳаракатлар дастури доирасидаги ишлар ва тавсияларнинг амалга оширилишини таъминлайди. Бундан ташқари, агентлик Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Бош прокуратура билан биргаликда уч ой муддатда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолияти, шунингдек, ушбу соҳадаги дастурлар самарадорлигини мониторинг қилиш имконини берувчи «e-anticor.uz» электрон платформасини ишга тушириши керак. Шунингдек, агентлик Адлия вазирлиги, Бош прокуратура ва бошқа манфаатдор идоралар ҳамда халқаро экспертларни жалб этган ҳолда икки ой ичида Ўзбекистоннинг коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилаш бўйича йўл харитасини ишлаб чиқиб, Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгашига киритади. Уч ой ичида «Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш агентлиги тўғрисида»ги, «Давлат хизматчиларининг даромадлари, мулк ва манфаатлар тўқнашуви декларация қилиш тўғрисида»ги, «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиб Президент администрациясига киритиши лозим.

Бош прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия агентликка ҳар томонлама қўмаклашишга масъул бўлади.

Муҳтасар қилиб айтганда, коррупцияга қарши курашиш барчамиздан бирдек масъулият талаб этишини унутмаслик керак. Зеро, коррупция гирдобни пора олгани ҳам, пора бергани ҳам фарқ қилади.

Анвар ИХТИЯРОВ,
Бош прокуратура бошқарма бошлигининг ўринбосари

Президент Шавкат Мирзиёев Японияда рўй берган табиий офат туфайли кўплаб инсонлар қурбон бўлгани муносабати билан мамлакат Бош вазири Синдзо Абэга ҳамдардлик билдирди.

БУНДАЙ ХАТАРЛИ ОФАТГА АСЛО БЕПАРВО ҚАРАБ БЎЛМАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8 июль куни ўтказилган видеоселектор йиғилиши аввалида коронавирус инфекциясига қарши кураш доирасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларга алоҳида тўхталиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари, жумладан, шундай деди:

— Барчамиз гувоҳи бўлиб турибмиз, афсуски, бутун дунёда коронавирус пандемияси давом этмоқда. Дунёнинг қатор мамлакатларида касалликнинг иккинчи тўлкини бошланаётгани барчамизда жиддий хавотир уйғотмоқда.

Бугунги ҳолат шунга кўрсатмоқдаки, ушбу инфекцияга қарши курашда қандайдир «сеҳрли рецептлар» ҳали йўқ.

Жаҳон ҳамжамияти, дунёдаги энг йирик илмий марказлар, энг кучли олимлар бу офатга даво топиш учун қаттиқ изланмоқда. Ва бундай тадқиқотлар тез орада ўзининг ижобий натижасини беради, деб умид қиламиз.

Ҳозирги кунда республикамизда касалликка чалинганлар сони 10 минг 982 нафарга, соғайганлар сони 6 минг 890 нафарга етди.

Тиббиёт ва санитария-эпидемиология ходимларининг касб малакаси ва жасорати, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг фидойилиги, шунингдек,

карантин давридаги қатъий интизом мамлакатимизда эпидемиологик вазиятни нисбатан барқарор сақлаш имконини бермоқда. Лекин бу хотиржамликка берилиш, бу масалага энгил-елпи қараш учун асос бўлмаслиги керак.

Чунки июль ойининг биринчи ҳафта-сида беморлар сони 2 минг 167 нафарга кўнайган. Шундан 1 минг 267 та (58%) ҳолат аҳоли орасида аниқланган.

Бу карантин давридаги энг юқори кўрсаткичдир. Афсуски, беморлар орасида ўлим сони ҳам ортиб бормоқда. Бу барчамизни жиддий ташвишга солиши шарт.

Биз мамлакатимизда коронавирус аниқланган кундан бошлаб қайта-қайта таъкидлаб келмоқдамиз: бу жуда мураккаб синов ва оғир кураш бўлади.

Бу курашда кўп нарса ўзимизга, ақл билан ҳаракатимизга, сабр-тоқатимизга темир интизом билан, қатъият ва жипсликда иш кўришимизга боғлиқ.

Лекин, мана афсуски, аҳоли ўртасида кўпчилик мана шу талабларга тўла амал қилмаётгани.

Айниқса, тиббий ниқоб тақмаслик ёки уни номга тақиб, санитария-гигиена қондаларини бузиш, ўзаро кўл бериб кўришиш, ижтимоий масофани сақламаслик, заруратсиз оилавий тадбирларни ўтказиш ҳолатлари кун сайин кўпаймоқда.

Жойларда “яшил”, “сарик” ва “қизил” ҳудуд таъйинли тўлиқ ишламаяпти.

Биз бу борада аҳолини ўзгартириш учун аввало жамоатчилик назоратини кучайтиришимиз керак.

Юзага келган вазиятни ҳисобга олиб, Республика комиссияси вилоят, шаҳар, туманлар ҳокимлари ҳамда сектор раҳбарлари билан бирга пандемияни жиловлash бўйича барча чораларни кўриши шарт.

Тегишли раҳбарлар ўзига бириктирилган ҳар бир вилоят кесимида аҳолининг белгиланган чекловларга қатъий амал қилиши ва карантин талаблари бажарилиши устидан, жойига чиққан ҳолда, назорат ўрнатсин.

Албатта, биз қўшни давлатларда маълум сабабларга кўра қолиб кетган Ўзбекистон фуқароларини мамлакатимизга қайтариш бўйича ҳам тегишли чора-тадбирларни кўрамиз.

Бирок юргдошларимизга мурожаат қилиб яна бир бор таъкидламоқчиман: бутун дунёда минг-минглаб одамлар-

нинг ўлимига сабаб бўлаётган бундай хатарли офатга асло бепарво ва энгил қараб бўлмайди.

Касалликнинг бирор-бир кичик белгисини ўзингизда сездингизми, дарҳол шифокорга мурожаат қилинг.

Ўзингизча уйда даволанманг. Бу оғир оқибатларга олиб келиши ва ниҳоят ўлим билан тугаши мумкин.

Ўзингизга ва оила аъзоларингизга нисбатан бепарво ва бефарқ бўлманг!

Халқимиз, оиламиз ва фарзандларимиз саломатлиги ва ҳаёти биз учун энг улуг бойлик экан, бу ўта муҳим масалала бефарқ бўлиб, карантин талабларини бузишга ҳеч қимнинг ҳаққи йўқ.

Буни ҳеч қим, аввало, барча раҳбар ва мутасаддилар ҳеч қачон унутмаслиги шарт.

Бугунги мураккаб вазиятда барчамиз “Ўз соғлигингни, ўз болангни, ўз оилангни ўзинг асра!” деган шиорга амал қилиб яшашимиз шарт.

Айни вақтда ҳаётимизни нормал изга солиш, иқтисодиётимизни тиклаш учун пандемия шароитида яшаш ва меҳнат қилишга ўрганишимиз, барча эҳтиёт чораларини кўрган ҳолда, бу борада бошлаган ишларимизни темир интизом билан давом эттиришимиз керак.

ЎЗА

JINOYAT VA JAZO

ТЕПЛОВОЗДА ТЕКИН ЁНИЛҒИ ТОПИЛМАДИ

– Тоймас, мабодо, дизель ёнилғиси керак бўлса, тез уч-тўртта канистр олиб, ун заводи ёнига етиб кел! Тепловоз машинисти бўлиб ишлайдиган Алибекдан (исм-фамилиялар ўзгартирилган) бу хабарни эшитган Тоймас дарҳол акасининг «Москвич» автомашинасида айтилган жойга етиб борса, уни машинист ёрдамчиси Илҳомбек кутиб турган экан. Илҳомбек идишларни ундан олиб, кутиб туришни тайинлаб, ғойиб бўлди. Кўп ўтмай уни чақирди. Тоймас тепловознинг ёнига борса, Алибек билан Илҳомбек идишларни тўлдириб қўйишган экан. Учовлон ёнилғини автомашинага ортишди ва Тоймас машинага ўтириб, рулни Нукус шаҳри томон бурди.


Беш километрча юргач, тўсатдан телефони жиринглаб қолди. Алибек экан. У шоша-пиша «Канистрлардан бири тушиб қолибди-ку! Буни ички ишлар ходими кўрибди. Тез оранкта қайт!» деди-да, телефони ўчирди.

Бу хабарни эшитиб, Тоймаснинг оёқ-қўли музлаб кетаёзди. «Оббо, энди шу етмай турган эди!». У машинада нима қилишини билмай ўтирганида Алибек яна телефон қилди ва ички ишлар ходими билан келишиб олгани, уларга ҳеч нарса қилмаслигини айтганидан кейин орқага қайтди.

У келганда Алибек нотаниш йиғит билан гаплашиб турар, уларнинг ёнида бир канистр ҳам бор эди. Машинадан тушга-

нида йиғит ўзини Рустам дея таништирди, ички ишлар ходими экан. Шу пайт узоқдан чироклари ёқилган ҳолда келаётган бир машина кўринди. Рустам дарҳол телефонини олиб, кўнгирак қилди-да, «Бемалол чирокларни ўчириб келавинлар!» деди.

Машина келгач, ундан уч киши тушди. Улардан бири канистрини сўраш баробарида Тоймаснинг «Ўзингиз кимсиз?» деган саволига «Транспортда хавфсизликни таъминлаш бўлими бошлиғиман» деб жавоб берди ва хизмат гувоҳномасини кўрсатди. Орада бошқа ходимлар канистрларни суратга олишди, керакли хужжатларни расмийлаштиришди. Кейин идишларни машинасига ортишди, Тоймасни ҳам салонга ўтказиб,



темирйўл вокзалига олиб боришди. У ерда исм-фамилияси, манзили ҳамда телефон рақамини ёзиб олишди ва керак бўлса чақирдишларини айтиб жавоб беришди.

Тоймас кўчага чиқиб, Алибекка кўнгирак қилди ва ўзини қўйиб юборишганини айтган эди, у «Тезда 10 миллион сўм топиш керак. Ўзингда йўқ бўлса, бировдан қарз олиб бўлса ҳам топ!» деди дабурустдан. Тоймас нимага деб сўрашга ҳам улгурмасидан «Шу пулни бериб, ишни бости-бости қилиш керак. Бўлмаса ишсиз қоламиз» деб гапни қиска қилди.

Тоймаснинг яна боши қотди. Ўйлай-ўйлай, бир танишидан қарз олиб, ўзидан қўшиб айтилган пулни тайёрлади ва Алибекка телефон қилди. Қасрга олиб бориш кераклигини сўраган эди, «Ўзим телефон қилиб айтман» деган жавобини олди. Алибек кўп куттирмади. Телефон қилиб, дам олиш уйининг ёнига келишни тайинлади. У айтилган манзилга боргач, Алибек ва Илҳомбек билан маслаҳатлашди. Гапни бир ерга қўйиб, пулни Тоймас олиб кириб беришига келишишди. Ўн дақиқалардан кейин хавфсизликни таъминлаш бўлими бошлиғи хизмат хонасида эканлигини билгач, Тоймас у билан келишиш учун ичкарига йўл олди.

У бошлиқнинг хонасига киргандан

кейин агар бу иш ёпилмаса, тепловоз машинисти билан унинг ёрдамчиси ишсиз қолишларини айтиб, ёрдам сўради. Бунинг учун 10 миллион сўм олиб келганини ҳам гап орасида кистириб ўтди. Бу гапни эшитиб, бошлиқнинг авзойи бузилди. Шундай бўлса-да, бошиқлик билан бу иш қонунга зидлигини тушунтиришига қарамай, Тоймас «хизмат ҳақи» машинасида эканини, агар рози бўлса, хозирнинг ўзида олиб келишини айтиб туриб олди. Бошлиқ ўзини рози бўлгандек кўрсатди ва пулни олиб келишни тайинлади. Ўзи эса телефонни қўлга олди...

Қўлни чўтдек қуйдраётган пул билан ичкарига кирган Тоймас пакетни столнинг бир четига қўйиб, энгил тортган ҳам эди, эшикдан кириб келган уч-тўрт киши ўзларини департамент ходимлари деб таништиришди ва керакли хужжатларни расмийлаштиришни бошлашди...

Жиноят ишлари бўйича Нукус шаҳар суди ҳуқуқбузарлигини яшириш мақсадида пора берган учовлонга қилмишларига яраша жазо тайинлади.

Отабек НОДИРОВ,
Оролбўйи транспорт прокуратураси
терговчиси

ВИЖДОНСИЗЛИК

туфайли она ва чақалоғи нобуд бўлган

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизими такомиллаштирилмоқда. Тиббий генетикани, аёллар ва болаларга шошилиш ва ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатишни ривожлантириш асосида замонавий скрининг дастурлари жорий этилапти. «Она ва бола» худудий тиббиёт мажмуалари ва маълумотлар тизимлари шакллантирилмоқда. Оила саломатлиги, оналар ва болаларга малакали тиббий ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бирок айрим тиббий муассасаларда иш тўғри ташкил этилмагани, шифокорларнинг бурчиға масъулият билан ёндашмагани оғир оқибатларни келтириб чиқарилган.

1996 йилда туғилган Наргиза (исм-фамилиялар ўзгартирилган) 2018 йилнинг август ойида бир олам орзу-хаваслар билан Бешарик туманида яшовчи Бунёдхон Эгамназарова турмушга чиққан. Бахти кулиб боққан, турмуш ўртоғи билан аҳил яшашган. Ҳомилаларлиги аён бўлган, оиланинг қувончига қувонч қўшилиди. Қишлоқ врачлик пунктида назоратда турди. Ҳомилаларлик вақти кўриқдан ўтказган шифокорлар соғ-саломатлигини қайд этишди. Бирок бехосдан соғлиги ёмонлашиб Бешарик тумани тиббиёт бирлашмасига келтирилди. Шифокорлар оғир аҳволда келган Ҳомилалар аёлга бепсанд қарашди, аниқ ташхис қўямасдан операция қилишди. Чақалоқ туғилди-ю нобуд бўлади. Врачлар аёл қанча қон йўқотганини аниқлашмайди. Қон босими ўлчаниб, қон биокимё таҳлили тўлиқ ўтказилмагани, тўғри ташхис қўйилиб даволашга киришилмагани, ўз вақтида аниқланмаган ўткир буйрак етishмовчилиги туфайли Н.Эгамназарова ҳаётдан кўз юмади.

Ушбу ҳолат Фарғона вилояти прокуратурасида алоҳида назоратга олиниб, дастлаб Бешарик тумани прокуратураси томонидан жиноят иши кўзгатилиди. Тергов давомида туман тиббиёт бирлашмаси реанимация ва анестезиология бўлими мудри Ш.Собиржонов, реаниматологлар О.Очилов ва Т.Тўла-новларнинг ўз вазифасига виждонсизларча муносабатда бўлиб, қўпол хатога йўл қўйгани оқибатида аёл ва унинг гўдағи вафот этгани аён бўлиб, уларга Жиноят кодекси бўйича айб эълон қилинди. Жиноят иши туман тиббиёт бирлашмасининг биносида, очик суд мажлисида кўрилиб, айбдорларга жазонинг муқаррарлиги таъминланди.

Кимдир айбдорлар жазосини олибди-ю, яна кимдир жазосини олгани билан ўлган тирилик келармиди дейиши мумкин. Аксарият шифокорлар ҳалолу пок, беморни астойдил даволаб, дардига дармон бўлишди. Мақсадимиз улар ичида юқоридаги каби ўз касбига виждонсизларча қараб келаётганларнинг кўзини очиб ва бундай муносабатга нисбатан жазонинг муқаррарлигини яна бир бор эслатиб кўнишдан иборат. Якуний ҳулоса эса ҳар бир шифокорнинг виждонига ҳавола.

Шерзод ҲАЙДАРОВ,
Фарғона вилояти прокуратураси бўлими катта прокурори



MULOHAZA UCHUN MAVZU

ҚАСАМЁДГА ХИЁНАТ

Алишер тиббиёт институтини битиргач, амалиётни ўташ учун шаҳарда қолди. Омади бор экан, яхши устозлар қўлида тиббиёт сирларини мукаммал ўзлаштириши натижасида қўли енгил дўхтир деган ном қозонди.

Душанба. Сахарлаб чалинган дўхтир овози хонадон эгаларини шошириб қўйди. Эшик қоқиб келган меҳмонни мезонлар очик чехра билан кутиб олишди. Жиянларнинг иззат-эҳтиромидан тоға анча масрур бўлди. Ошдан сўнг эса аччиқ чой ичиб, хонага разм солди. Баногоҳ нордон нарса еган кишидай юзини бужмайтирди.

— Энди, икковларинг ҳам менга жиян, — деди тоға улуғвор овозда. — Шунинг учун гапим қаттиқ ботмасин. Катта дўхтир деган номларинг бор. Шаҳарга оёғи етган дўст ҳам, душман ҳам эшик қоқиб, уйларингга бош сукади. Номларингга яраша уйни зўр қилиб таъмирлаб қўйсаларинг бўлмайди! Алишержон, сенинг шундай ҳамкасбларингни биламан, олдиға кириш фалон сўм. Ўшалардан ўрناق олсанг бўлади-ку. Ё улардек билимга эга эмасмисан? Чет элда малака ошириб келган бўлсанг. Ўз «ставка»нгни қўйиб, беморларни қабул қилишни ўрганишиг керак эди.

Бу гаплардан Алишер анча мулзам тортиди. Ҳатто турмуш ўртоғи Гулнора ҳам эрига «Ана, айтдим-ку!» дегандек таънали боқди. Орадан икки кун ўтиб кутилмаганда дўхтир килиб қолган опанинг гаплари Гулноранинг нафс қозонига баттар ўт ёққандай бўлди.

— Суянганимиз сизлар-да, бошқа кимданам сўрадим?... — деди она гапнинг овозида. — Эртага почтанг боради. Беш юз мингча бериб юборинглар, олди-бердиға керак эди...

«Бунча пулни қаердан топиб бераман?» — Гулнора ичидан зил кетди. Бирок опа-опа экан-да... Ана энди уйдаги жанжални кўринг, Алишернинг файласуфона гаплари хотинининг қулоғига кирмади. Гулнора «Менга насиҳат эмас, пул керак, пул. Қандай қилиб бўлса ҳам топасиз! Мен билмайман, бугўғи сизнинг ишингиз» деганча эшикни тарақлатиб ёпиб, қўшни хонаға кириб кетди.

Тун бўйи ухломлай ҳаёлнинг минг бир кўчасида тентираган Алишер тонда қабулиға кирган беморнинг қўлиға қаради...

Керакли пулни олган поччанинг юзи ёришди:

— Ҳм-м, мана бўларкан-ку, Алишержон! — деди хушвақт охангда. — Бизнинг суянганимиз сиз-да. Сиздан бошқа кимгаям суянардик. Бу қилган ёрдамингиз биздан қайтмаса эрта бир кун бошқалардан бундан-да зиёда бўлиб қайтар...

Божасининг гапларидан Алишернинг юзи олмадек кизарди...

Пойтахтга иш билан келган таниш-ноганиш ҳамкишлоқлари Алишернинг уйида меҳмон бўлади. Буни қарангки, келувчиларнинг аксарияти кимларнингдир қўша-қўша иморати-ю машиналари хақида завқ билан гапирар, хонадон эгасига ҳам қандай янаша хақида насиҳат қўйлик қилишади. Аввалиға бу гаплардан жаҳли чиққан Алишер кейинчалик ҳаммасига кўнликди. Ҳатто айрим жўяли маслаҳатларға диққат билан кулоқ тутадиган бўлди. Ўзи билмаган ҳолда «йўқ» деганиға қарамай қиссасига пул солиб кетадиган беморларға алоҳида меҳр билан қарай бошлади... Пул бермаганларға эса қарағиси ҳам келмасди.

Бойлик оқиб келгани сайин Гулнора ҳам ўзгариб борарди. «Фалончилар Қора денгиз бўйига кетди. Пистончи чет элда онласи билан дам олиб келди. Ўртоғим нақ 15 миллионга занжир олибди...».

Хуллас, ишдан чарчаб, ҳорғин кайфиятда келувчи Алишернинг уйда эшитадиган гапи шу бўлиб қолди. Уйдағи дийдиёлардан қутулиш учун бошқа шифокорларнинг ўрниға ҳам навбатчиликда қолишға одатланди. Шундай кунларнинг бирида Алишернинг ҳузурига кишлоқдан шаҳарға меҳмонға келиб, бетоб бўлиб қолган олти яшар болани олиб келишди. Ҳолсизланиб қолган болакай кўзларини очолмас, бадани эса иситганининг зўридан лов-лов ёнарди. Беморни кўрган Алишер «Оббо, аҳвол чатоқ-ку!» дея одатига кўра ваҳимага зўр берди. Шу сиз ҳам зўрға турган она йиғлаб юборди. Ота эса «Иложини қилинг, жон акажон!» дея ёлворди, орада бир марта маҳкам кучоқлаб ҳам олди. Алишер хурсанд бўлиб хонасига кирди-ю, халатининг чўнтақларини кавлади. Одатда нажот излаб келувчи беморлар шу йўсунда атаганларини сездирмастан шифокорнинг чўнтағига солиб қўйишарди. Аммо ҳозир... Унинг барча чўнтақлари бўш эди. Жаҳли чиққан Алишер кун мобайнида болакайнинг тепасига борганда бошини ушлаганча ерга термулиб ўтирган ота бўлмишга бир-икки бор умидвор тикилди. Фарзандини ўйлайвери, ақдан озай деган ота эса ўргатилган тўтиға ўхшаб «Боламни сақлаб қолинг, сақлаб қолинг, илтимос!» дея илтижо қилгани-қил-

ган. Бир оғиз «рози қиламан» сўзини оғзига олмаётгани чатоқ-да. Асабийлашган шифокор эса тинимсиз у ёқдан бу ёққа юради. Боланинг ахволи эса оғирлашиб борарди...

Орадан икки кун ўтди. Болаға ачиниб, унга ёрдам бергиси келатган бўлса-да, «отаси бир нима деб қолар» деган илинжда ишни секин бошлади. Ҳатто тунги навбатчиликда ҳам ўзи қолди. Бирок отадан «ёруғлик» чикай демасди. Боланинг ахволи эса соат сайин оғирлашарди. Алишер ҳам одам... Болани жонлантириш бўлимиға олиб кириб, опшқозонини ювдира бошлади. Лекин... лекин энди кеч бўлганди.

Тонда шифохона ҳовлисидаги сокинликни боласидан айрилиб қолган отанинг янчили овози бузди. Қабулхонада боласи билан ўтирган ўрта ёшлардағи аёл рўмолининг учини тилаб, афсус билан бош чайкаганча боласини бағриға босди.

— Ҳеч қачон эркак киши бундай йиғламасин. Ҳеч бир ота-она «болам, болам» демасин-а...

Шўрлик ота кета туриб, Алишерға юзланди. У кечағи мўминкоб ота эмасди. Отанинг туриши аламзада, қаҳри эди. Маломат тўла кўзларида бир олам ғазаб, надомат билан деди:

— Сенда ҳам фарзанд борми? Агар билсанг, шу биргина кизимни етти йилда тилаб-тилаб олган эдим, ука! Биргина кизим менинг овуначоғим, кўзимнинг оқу қораси эди. Не-не хасратда, орзу-умидларда катта қилаётган эдим. Сен бўлсанг уни кўз олдимда... Ундан меҳрингни даринг тутдинг. Ҳайф сенга эгинидағи оқ халат одамларнинг ишончи...

Алишер чошгоҳда бир-бир қадам босиб катта кўча бошида қал ростлаб турган уйиға етиб келди. Дарвозадан қирар экан, товганиб турган турли буюмлар, қярқираб турган ойнали эшиклар кўзига балодай кўринди. Эшик ойнасида ўзининг аксини кўриб нафратланиб кетди. Бу олазрак кўзларда меҳрни эмас, «Берсанг дунёни ютаман!» деб турган ўпқонни кўрди. «Ҳа, нафсим туфайли бугун бир норасида бевақт хазон бўлди. Шунга қарамай ҳеч ким мени айбламади. Бечора ота ҳам гуноҳимни бида туриб, индамай кетди. Эрта бир кун бу қилмишимни бирор қишиға айтса ҳеч ким ишонмайди. Мен пул-пул деб виждонимға, шифокор номига доғ туширдим. Энди шифокорликка нолюйқ инсонман. Фақат жазаға лойикман» дея пичирлаган Алишернинг ичи лаҳча чўтдек ёнарди.

Нигина ШОЕВА,
журналист



AKS-SADO

Газетанинг шу йил 18 июнь сонида берилган тўйлар ҳақидаги мақолаларни ўқиб, менда ҳам айрим фикрлар туғилди.

ТҶЙНИНГ ТҶЙДЕК ҲАШАМИ...

Аслида тўйдан муддаомиз битта – ээгу ният, хайрли мақсадлар ила икки ёшнинг бошини қовуштириш. Кайвониларимизнинг «Серфарзанд, сердавлат бўлинглар! Ўзларингдан кўпайинглар! Униб-ўсинглар!» деган дуоларида ҳам айнан ана шу ниятларимиз умумлашган. Шу тариқа янги оила пайдо бўлади.

Биз-чи? Ёшларнинг бахти, келажаги ҳақида ўйлаш ўрнига тўйлардан ўз орзу-хавасларимизни ушалтириш, ўзимизни эл-юртга кўз-кўз қилиш йўлида фойдаланмаёпмизми?! Фарзандларимизга оила кадри, эр ва хотинлик масъулияти ҳақида тушунча бериш ўрнига сарпо йиғиб, тўйни қандай ўтказиш ҳақида кўпроқ кайгурмаёпмизми?!

Кулгоғимизгача қарзга ботсак ботайлик, аммо обрў учун қозон-қозон палов дамлаймиз. «Ўғилтой ният қилганлар!» дея автомашиналардан қарвон қилиб, кўчани бошга қўтарганча «келин-куёв саёқати» уюштирамиз, маҳаллада дув-дув гап қилишга ишқибозмиз. Энг қиммат, номи чиққан ресторанда базм қиламиз, сон-саноксиз меҳмонларни чорлаб, виқор билан уларга мулозамат кўрсатамиз. «Эл қилаётган расм-русум-да!» деб кўямиз ичимиздан қиринди ўтса ҳам.

Аслида эса ўзимиз ўйлаб топган урф-одат ва удумлар қулига айланиб қолганмиз. Уларни деб жонимизни гаровга қўямиз. Орзу-хавас учун бир умр йиққан-терганимизни бир неча кунда кўкка соураемиз. Кошки булар кимгадир бахт берса. Кошки янги қурилган оиланинг мустаҳкамчилигини таъминласа! Аксинча, орзу-хавас учун қарзга ботиб, муаммолар гирдобига тушиб қоламиз, дам ўтмай у нафақат қатталар, балки янги келин-куёвнинг ҳам бахтига соя соллади. Дилдан қувонолмайди улар, бахтдан энтиқолмайди. Қарзинг оғир юки елкасини эзаверади, эзаверади... Тўйдан кейинги иктисодий қийинчиликлар, қудалар ўртасидаги керакмас олд-бердилар ёш оила бахтига зомин бўлиб қолиши ҳусусида асло ўйламаймиз. «Пул меники, қандай хоҳласам шундай сарфлайман. Истасам дабдабали тўй қиламан, истасам дангиллама уй соламан» дея кўкрагига урадиганлар қанча!

Бехудий «тўй ва аза исминдаги бу икки қаттол душман ҳаётимизга эгов, оёғимизга тушов бўлиб келаётганини даярли

бир аср муқаддам куюнчақлик ила ёзганди. Бу муаммо ҳамон долзарб.

Дарҳақиқат, тўйлар ҳақида гап борар экан, исрофгарчилик, казо-казоликдан кечиб, қудаларнинг келишуви билан ўтказиш ҳақида кўп гапираемиз. Аммо, минг афсуски, бу гаплар гаплигича қолаётганидан ўқинамиз. Нима эмиш, ҳар кимнинг



орзу-хаваси ўзи биланмиш... Албатта, яхши орзу ушалишига нима етсин! Аммо бу «кимлардандир қолмаслигим керак» қабилида ўз-ўзини минг бир азобга қўйиш дегани эмас-ку?!

Шу ўринда тўйдан олдинги харажат ҳақида икки оғиз сўз.

Дастлаб уй ё ҳовли таъмирланади. Эшик-деразага энг сўнгги русумдаги пардалар илинади. Хоҳ кучингиз етсин, хоҳ етмасин, шундай қилишингиз керак.

Тўйдан бир кун аввал йиғит ва қизнинг дўстлари, синфдошлари учун базм, оила қатталарининг «коллектив базми»...

Дабдаба асли шу ердан бошланади. Бўлар-бўлмас мусикалар, алоҳида тўкин дастурхон, ичимликлар... Ва албатта, ичкилик аралашган тўйни беҳадик ўтказиб бўлмайди. Аслида буни олдиндан биламиз, аммо бундай ортикча хотамтойликни кескин рад эта олмаемиз. Нега? Яна ўша орзу-хавас...

Келин-куёвнинг никоҳдан ўттиш жараёни эса бундан-да хавотирга солади кишини. Қатор-қатор машиналарнинг тизгинсиз елиб бориши шамолданоқ юрагингиз орқага тортиб кетади...

Энди ўзингиз айтинг, бу тўйлардан хақиқий миллийлигимизга хос нимани олиш мумкин?! Ҳатто қўшиғу рақслар европача бўлса...

Қиш фасли поёнига етаётган кезларда чекка қишлоқдаги бир тўйда қатнашдим. «Ўзалик салони»дан қайтган келин гўё котириб қўйилган кўғирчоқ мисоли эди. Кун совук бўлишига қарамай елкалари очик, эғнидаги либоси жуда юпка... Юзига

Бугунги пандемия шароитида 30 кишидан ошмаган ҳолда ихчам тўйлар ўтказила бошлағач, ана шу «вос-вос»га берилган айрим кимсалар ҳам ҳушёр тортиб қолишди. Чиндан ҳам, юқоридоғи мақолада қайд этиганидек, ортикча харажатдан кимга наф?

Наманган вилояти ҳокимлиги ижтимоий тармоқларидаги маълумотларга қўра, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимлари томонидан ҳам фуқароларга хизмат кўрсатиш санитария ва гигиена талабларига риоя қилган ҳолда барча хизматлар бир дарча тамойили асосида амалга оширилмоқда. Шунингдек, тўй ва бошқа маросимларни камчиким, карантин талаблари асосида ўтказиш бўйича тарғибот олиб борилмоқда. Кўпчиликка бу сингари ортикча харажат ва дабдаларсиз, ихчам тўйлар маъқул тушмоқда. Чунончи, карантин даврида никоҳдан ўтган 250 нафар фуқаронинг 200 нафари камчиким тўй қилишга розилигини билдирган.

ҳам суртилмаган нарса қолмаган-ов... Хуллас, «тегма, тўқиламан» қабилида куёв-боланинг қўлидан ушлаганча базм столи тўрига ўтди. Ҳамма ёқ кий-чув... Минглаб номаҳрам кўзлар ўзларини тутолмай келиннинг «очик гўзаллиги»га қарагани сайин куёвнинг жуссаси кичрайиб бораёпти назаримда... Келин ҳеч бир ийманишсиз бошини баланд кўтариб атрофга қарагани сайин унинг қадди эғилапти... Қайнота-қайнона уларни қутлаш учун даврага келишди-ю, келиннинг бу кўринишидан хижолатда нигоҳларини қаерга яшириши билмай жавдирашди. Даврадагиларнинг айримлари бошини сарак-сарак қилса,

– Ҳамма гап келин-куёв ва ота-оналарнинг тушунишида, – дейди тўрақўрғонлик Мухторали Эргашев. – Яқинда ўғлимни уйлантирдим. Маҳалла фуқаролар йиғини бош бўлиб турди, меҳмонлар ва бошқа иштирокчилар сонини ўттиз кишидан оширмадик. Харажат ҳам шунга яраша бўлди. Илгари эди қозон-қозон ош дамлаш, ЗАГС кечаси-ю келин дугоналари зиёфати деган ҳашамлар. Мана, тўйни бир кунда соддагина қилиб ўтказса бўларкан-ку?! Бирор ким менга «Нега тўйга чакирмадинг?» деб нолигани ҳам йўқ. Энг муҳими – ёшларнинг бир-бирига мухаббатли. Қурган оиласи мустаҳкам бўлсин.

бошқаси «замон шунақа бўлиб кетди-да» деб қўйди аста...

Кишилар орасида қусурни замонга тўнкаш осонроқ чоғи. Аслида-чи? Куёв доим бир хил чиқши, ботиши, туннинг бир маромдалиги, буларнинг барчаси, минг шукурлар бўлсинки, замоннинг ўрнида турганидан дарак эмасми? Шундай! Аслида биз – одамлар ўзгариб бораёпмиз. Орзу-хавас бобида мусобақалашаётгандаймиз.

Орзу-хавас боболаримизу момоларимизда ҳам бўлган. Фақат улар буни фарзандларнинг бахтида деб билинган.

Кўшимча сифатида таъкидлаш жозикки, Наманган вилоятининг туман ва шаҳар ФҲДЁ бўлимлари томонидан 2020 йилнинг ўтган даврида 41028 та фуқарога хизмат кўрсатилди. Хусусан, карантин даврининг ўзига хос шароитларига қарамай 15778 фуқарога туғилиш, 1244 фуқарога никоҳ гувоҳномалари топширилди.

Демак, бундай тўйлар кўпчиликка маъқул бўлмоқда.

Нилуфар НИЁЗОВА,
«Нилуқ»

БАХТ ИЗЛАГАН БАХТСИЗЛАР



Қулдорлик йигирманчи асрда қолиб кетган деганлар янглишади. Бугунги кунда ҳам ўз танишини, қариндошини, дўсти ва биродарини сотиб юбораётганлар учраб турибди. Юраги тошдек қотиб кетган баъзи кимсалар тахлам-тахлам пулни деб оёғига йиқилиб шафқат сўраб ёлвораётган бокира қизларнинг ҳам уволидан қўрқмай, шундай қабих ишларга қўл уради.

Бир пайтлар бирга ишлаб, пул топиб, бир дастурхон атрофида ўтириб туз тотган ички аёлнинг вақти келиб хаёт йўллари айрилади. Динора Шожалилова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) хорижга кетади. Фарангиз Қурбонова эса Тошкентдаги кафедаларнинг бирида ишлаб ризкинни топиб юради. Кадрдонлар кейинчалик ижтимоий тармоқларда топишади. Бирга ўтган даврларини эслаб, узок суҳбатлашишни одат қилишади. Ушбу суҳбатларда уларнинг бири орзулари ҳақида гапирса, иккинчиси шохона хаёт кечираётганини айтиб, оғиз кўпиртиради. Оламзот борки, бел оғритмай бирдан бойиб кетишни истаиди. Фарангиз ҳам шундайлардан эди.

Динора эски танишини Бирлашган араб амирликларига бориб ресторанда официантлик, энагалик қилишдан катта даромад кўргани, шунинг ортидан Ўзбекистонда кўша-кўша уй, машинага сотиб олгани билан кизиқтиради.

Кани энди бу гаплар рост бўлса?! Бироқ, таассуфки, Динора аслида БААга ноқонуний равишда чиқиб кетиб, у ерда фоҳишалик билан шугулланаётганди. Бу аёлнинг мақсади Фарангизни олдида чақириб олиб, айтганини қилдириб, ундан фойдаланиш эди.

Диноранинг завқ-шавқ билан қилинган «тарғиботи» самара берди. Фарангиз БААга отланди. Д.Шожалилова интернет орқали 2018 йилнинг 1 октябрь кунини Ф.Қурбоновага БААга кириш учун виза юборди. Динора таниши Фарангизнинг паспортда дунёнинг барча мамлакатларига чиқиш ҳуқуқини берувчи «рухсат ёзуви»

расмийлаштирилмаганини аниқ билгани холда унга Тошкент шаҳридан Озарбайжон орқали БААга келиш мумкинлигини айтиб, йўл-йўриқ кўрсатади. Чунки юртимиздан Озарбайжонга визасиз чиқиш мумкинлиги ҳужжатларда белгиланган. 2 октябрь кунини эса унинг номига Тошкент – Боку йўналишида парвоз қилиши учун авиачипта юборди. Ф.Қурбонова 3 октябрь кунини Д.Шожалилованинг кўрсатмаси асосида Боку шаҳрига учиб бориб, шу куннинг ўзида юртимизда белгиланган чет элга чиқиш тартибини бузган холда Боку – Дубай йўналишида парвоз қилиб, БААга етиб боради. Фарангизни Дубай шаҳри аэропортида Динора кутиб олиб, Абу Даби шаҳридаги хонадонлардан бирга жойлаштиради.

Буни карангки, ўзга юртга келгунича самимий муносабатда бўлган Диноранинг бирдан авзойи ўзгаради. У Фарангизга 5500 доллар харажат қилганини, шу пулни фоҳишалик қилган холда қоплаб беришнинг тинмай такрорларди. Бунга қўнмаган Ф.Қурбоновага эса бу юртга ноқонуний келганини, агар шартга кўнмаса, полицияга ушлаб беришни айтиб қўрқитди. Чорасиз қолган аёл ўзга юртининг меҳмонхоналари-ю туниги клубларида Динора топган миқдорларнинг кўнгилни овлаб, фоҳишалик қилишга мажбур бўлади. 2018 йил 16 октябрь кунини у полиция қўлига тушиб, бир неча ой хибсада сақланади. 2019 йил 12 январь кунини эса Фарангизни Ўзбекистонга қайтариб юборишади.

Қайтганида БААга ноқонуний равишда боргани сабабли Ф.Қурбоновага нисбатан жиноят иши қўзғатилади. Тергов

жараёнида Фарангиз Д.Шожалилованинг қилмиши ҳақида ариза билан мурожаат қилади. Унинг аризаси асосида жиноят иши қўзғатилиб, Д.Шожалиловага қидирув эълон қилинади.

Яна бир ҳолат. Гулдона Солиевага Наима Болтаева ҳам бегона эмас. Улар асли Фарғонадан. Ўша ерда танишиб, бора-бора кадрдон бўлиб кетишган. Оилавий борди-келди ҳам қилишарди. Аммо бу дўстлик ришталари кун келиб узилишини ким ўйлабди дейсиз.

Хорижга ноқонуний йўл билан чиқиб кетган Гулдона бундан етти йил аввал кадрдон Наимани ҳам БААнинг Дубай шаҳрида маоши катта бўлган ишга жойлаштириб қўйишини айтиб алдайди. Аслида Наимани фоҳишалikka мажбурлаш мақсадида чақиратган эди. 2013 йил октябрь ойида Наима Гулдонанинг кўрсатмаси билан Андижон вилояти орқали Қирғизистонга ўтади. Н.Болтаева у ердан дунёнинг барча мамлакатларига чиқиш ҳуқуқини берувчи «рухсат ёзуви» бўлмаса-да, чет элга чиқиш тартибини бузган холда 12 октябрь кунини Бишкек – Дубай йўналишидаги авиарейс билан БААга етиб олади. Дубай шаҳрида Наимани кутиб олган Гулдона унинг паспортини олиб қўйиб, 2014 йилнинг 15 январь кунини қалар фоҳишалик қилишга мажбурлайди. Бир неча ой давомида бу аёл ҳам юқоридаги каби турли кўнгилочар масканларда баданини сотиб, эркини бериб қўйган бошка бир аёлга пул ишлаб беришга мажбур бўлади.

Шунча азоб тортиб ўз юртига қочишга муваффақ бўлган Н.Болтаева республика-

мизда ҳам қонун олдида жавоб беришига тўғри келди. У терговда алданганини, уни фоҳишалик билан шугулланишга мажбур қилишганини айтиб, Г.Солиеванинг устидан ариза ёзади. Шундан сўнг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ўша пайтда Г.Солиевага нисбатан ҳам жиноят иши қўзғатилиб, қидирув эълон қилинади.

Дунёда Covid-19 вируси тарқаб, пандемия эълон қилинганидан сўнг қидирувдаги икки аёл Ўзбекистонга қайтишга мажбур бўлишади. Аэропортда Д.Шожалилова ва Г.Солиева ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан қўлга олинди.

Тергов жараёнида жабрланувчилар, гувоҳларнинг кўрсатмалари ҳамда айбланувчиларнинг интернет орқали ёзишмалари, пул ўтказмалари асосида содир этилган жиноят тўлиқ исботини топди. Судланувчиларга жазо тайинланиб ҳукм ўқилди.

Олам савдосига оид икки жиноятга нукта қўйилди. Қанийди бу охириги нукта бўлса. Ҳаммамизга маълум ва машҳур бўлган «Олтин балик» эртагидаги бой-бадавлат бўлиб, ҳукмронликни истаб қолган балиқчи чолнинг кампири оқибатда тешик тоғораси билан қолганидек, ўзга мамлакатларга бойиб кетиш мақсадида борган юрдошларимизнинг аянчли тақдирига гувоҳ бўлдингиз. Бу ҳолат ҳеч бўлмаса шу чоғга тушаётганларнинг кўзини очса эди...

Хулқарб МАНСУРОВА,
Тошкент авиация транспорт прокурорининг катта ёрдамчиси

FAOLIYAT

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИ: КАМЧИЛИКЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛМОҚДА

Қўштепа тумани ИИБ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлини маси (ХПБ) «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонун ва Ички ишлар вазирлигининг соҳага оид ҳужжатларига риоя қилган ҳолда фаолият юритмоқда.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ойлик иш режалари тузилган. Ўтган йилнинг 4-чорағи ҳамда 2020 йилнинг бошида 489 нафар бола туман ИИБга келтирилган. 10 таси Қўқон шаҳар ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштирилган. Туманда 30 нафар бола маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган. Фарзандларига таълим-тарбия бериш борасидаги мажбуриятини бажармаган 106 нафар ота-онага нисбатан профилактик иш юритилган. Ушбу даврда профилактик ҳисобда туриб жиноят ёки ҳуқуқбузарликка қўл урган бола бўлмаган.

Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ижобий ишлар билан бирга қонунбузилишларга ҳам йўл қўйилгани аниқланди. Хусусан, инспекторлар ИИБга келтирилган болалар ҳақида баённома тузишмаган. Уларига бириктирилган ҳудуддаги профилактик ҳисобга олинган шахслар ҳақидаги ҳисоботларни ҳар ойнинг 30-санасигача туман ИИБ ХПБга тақдим этиб боришмаган. 2018 йилнинг сентябрь ойида ўғирлик қилган О.Ш. 18 ёшга тўлган бўлса-да, вояга етмаганлар ҳисобидан чиқарилмаган.

Ички ишлар вазирлигининг йўриқномасида профилактикага масъул ходим асослар бўлганида шахсни профилактик ҳисобга қўйиш ҳақида қарор чиқариши ва у ички ишлар органи бошлиғи томонидан тасдиқланиши белгиланган. 2006 йилда туғилган М.Т.га нисбатан эса профилактик ҳисобга олиш тўғрисида қарор қабул қилинмасдан иш юритилган. Унга бириктирилган жамоатчи тарбиячидан ҳамда ўқув йили бошидан буён таълим муассасасида бириктирилган мураббийдан маълумот олинмаган, ҳар ойда профилактик суҳбатлар ўтказилмаган.

Вояга етмаган Г.С.га нисбатан ҳам шундай қилинган. Профилактика инспектори у билан 6 марта суҳбат ўтказгани қайд этилган. Бироқ ушбу суҳбатларни асословчи бирон-бир ҳужжат (тушунти-

риш хати ва фотосурат) мавжуд эмас. Бундан ташқари, профилактика инспекторининг масъулиятсизлиги туфайли вояга етмаган А.Т.га нисбатан юритилган профилактика йиғма жилди йўқотилгани аниқланди.

Туман ИИБда профилактика ишлари ички ишлар органи бошлиғи ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлини маси бошлиғи, масъул ходимлари томонидан ҳар чоракда камиди бир марта текширилиб, аниқланган камчиликлар бартараф этилишига оид йўриқномага ҳам амал қилинмаган.

Аниқланган қонунбузилишларни бартараф этишга оид прокурор назорати ҳужжатлари қўлланди. Ўз вазифаларига масъулиятсизлик билан қараган ИИБ бошлиғининг ўринбосари ва уч нафар инспектор интизомий жавобгарликка тортилди.

Жавҳарбек ДЕҲҚОНОВ,
Қўштепа тумани прокурорининг ёрдамчиси

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи корейликлар билан ҳамкорликда модернизация қилинади.

ИККИ КУНДА ТҮРТ МИНГ ДОЛЛАР

Бугунги кунда хорижда таҳсил олаётган талабаларнинг ўқишини юртимиз олий ўқув юртларига кўчиришга имконият берилгани ёшлар учун катта енгиллик бўлди. Қирғизистондаги тиббиёт-тадқиқот институти талабаси бўлган Назира ҳам Андижонда ўқиса, ҳар томонлама қулай бўлишини ўйларди. Ахир бир муддат бўлса-да, мусофирлик нонини тотиб кўрди. Ўқишни Андижон давлат тиббиёт институти 1-курсига кўчирса бўлмасмикан? У ўйлай-ўйлай дугоналаридан бирига мурожаат қилди. Мухаррам бунинг учун тиббиёт институтига бориш кераклигини маслаҳат берди. Икки дугона эрталаб бекатда кўришадиган бўлишди.

Йўналишдаги микроавтобус ҳам тезда келақолди. Улар институтга бориб домлардан бирига учрашганда сочларига оқ оралаган профессор бу иш билан Муроджон исмли йигит шугулланишини айтди. Бу йигитни топиш мушкул бўлмади – телефон икки дугонанинг жонига ора кирди. Институт маъмурияти жойлашган қаватдаги хонада Муроджон уларни кутиб олди ва муддаосини эшитгач, ҳужжатлар билан танишди.

«Билиб кўйинлар, бу иш нозик, катталар билан ҳал бўлади», – уқтирди овозига жиддий тус берган Муроджон ва унинг тавсияси билан қизлар кўшни бинодаги учинчи қаватга кўтарилиб, мазкур институтнинг магистратурасида таҳсил олаётган Шамсиддин Абдулаевга учрадилар. Шамсиддин ҳам

Муроджон билан келишуви-га кўра ҳужжатларни кўриб чиққач, «баъзиларида муҳр йўқ экан, муҳр бостириб келинглр, кейин қабул қиламан» деб туриб олди. Ишни битириш учун Назира Муроджонга 2300 АҚШ доллари «хизмат ҳақи» бериши керак бўлди.

Қараңки, эртасига пулнинг тақдирини билан қизиққан Муроджон телефонда Назирага кеча шаронгим оғирроқ дегани учун 300 доллардан кечишини айтди. Улар институт яқинида кўришишди. «Пулни топдим, онам бериб юборди, ҳозир такси олиб келаяпти», – деди Назира. Мурод севиниб кетди ва тез орада етиб келган 2000 долларни кўлга киритди.

Ўқишни Андижонда давом эттирмакчи бўлганлардан яна бири Саида Абдурасулова эди. У ҳужжатларини зудлик би-



лан кўшни давлатдаги тиббиёт институтидан олиб, Андижон давлат тиббиёт институти комиссиясига топширди. Бироқ комиссия Саидага институтда бўш ўринлар тўлиб қолганини, шунинг учун ўқишни институтнинг Фарғона вилоятидаги филиалида давом эттириб туришини маслаҳат берди. Шундай

кунларнинг бирида Саиданинг онаси кўчада Муроджонни учратиб қолди. Фарғона узоқлигини, иложи бўлса қизини Андижонга кўчиришга ёрдам беришини илтимос қилди. Муроджон ўзи бир вақтлар ўқишга киришга тайёрлаган, семинар-тренинглр ўтган қизни дарров таниди ва бажонидил розилик

бериб, бу иш билан институтда Шамсиддин исмли йигит – таниши шугулланишини, унга бориб учраса, албатта ёрдам беришини, фақат бунинг учун 2000 доллар зарур бўлишини билдирди.

Хуллас, Шамсиддин Саиданинг онасидан 2000 долларни олди. Бироқ бир кунда осмондан чалпақ ёққандек келган пул оғайниларга вафо қилмади. Улар қонун химоячилари томонидан қўлга олинди. Бу орада Саида ҳеч бир ортиқча харажасиз, қонуний йўл билан ўқишини кўчириб олди.

Юқоридаги ҳолат юзасидан жиноят ишлари бўйича Андижон вилояти суди қонуний ҳулосага келди. Муроджон Файзуллаев суд ҳукми билан ойлук иш ҳақининг 20 фоизини давлатга ушлаб қолиш шарти билан 2 йил 4 ой 3 кунлик ахлоқ тузатиш ишлари жазосига тортиildi. Яна бир «хोजатбарор» Шамсиддин ҳам шунча мулдат ахлоқини тузатадиган бўлди. Осон даромад вассасаси уларга қимматга тушди.

Зафарбек НЕЪМАТЖОНОВ,
департаментнинг Андижон шаҳар бўлими бошлиғи

НОҚОНУНИЙ САВДОНИНГ МИСИ ЧИҚДИ

Департаментнинг Хоразм вилояти бошқармаси томонидан «G.G.B.» оилавий корхонасига қарашли дўконлардан текшириш учун «Асл билдур» ва «Ўзбекистон шампани» корхоналарида ишлаб чиқарилган «Tundra», «Aviator», «Bobo», «Lazgi» ва «Baxshi» номли спиртли ичимликлар харид қилиниб, Хоразм вилояти ИИБ ЭКБнинг ҳулосалари олиб ўрганилганда, маҳсулотларнинг акциз маркалари сохталаштирилгани аниқланган.

Шундан кейин вилоят прокуратураси билан ҳамкорликда ўтказилган тинтувда «G.G.B.» оилавий корхонасига тегишли савдо шохобчаларидан жами 55,1 млн. сўмлик 4591 шиша спиртли ичимликлар аниқвий далил тарикасида олиб кўйилган.

Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши кўзгатилиб, суд айбдорларга нисбатан жазо тайинлади.

Тўлқин ИСКАНДАРОВ,
департаментнинг Хоразм вилояти бошқармаси бўлим бошлиғи

ЖАМИЯТДА ИЛДИЗ ОТГАН ИЛЛАТ

Нафсига қул бўлган одам йўлдан адашади. Аслида даромад топишнинг йўллари кўп. Аммо фойдани ҳам ҳалолдан топсанг буюради.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иктисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Қасби тумани бўлими фуқаро Н.Х. ва бошқаларнинг мурожаати юзасидан тумандаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабидаги иш ҳақи ҳисоблашни ва тарқатилишини мутахассислар иштирокида ўрганди. Маълум бўлишича, мактаб директори Ш.Х. 18 нафар мураббийга 0,5 ставка ўқув машғулотларини қўшиб ёзган. Аслида 7389 соат ўқув машғулотни ўтилаган. Директор шу тарика давлатнинг 59 миллион 734 минг 204 сўм пулини ўзлаштирган.

Бундан ташқари, у 43 нафар ходимга иш ҳақи нақд пулда берилмаган бўлса-да, уларни алдаб тўлов қайдномасини имзолатиб, 46 миллион 754 минг 551 сўм иш ҳақини ўзлаштирган.

Мазкур ҳолат юзасидан департаментнинг Қасби тумани бўлими томонидан Ш.Х.га нисбатан жиноят иши кўзгатилиб, суд ҳукми билан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Жамшид БОБОЕВ,
департаментнинг Қасби тумани бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи

ХАТО САБОҚ БЎЛМАДИ

Ҳаётини қандай ўтказиш кўп жиҳатдан инсоннинг ўзига боғлиқ. Ким ҳалол меҳнат қилиб, илму ҳунар ўрганиб, тўғри яшаса элнинг олқишини олади. Аксинча бўлса, қинғир йўл билан пул топишни касб этса, аввало ўзи ёмонотлиқ бўлади, қолаверса, яқинларининг ҳам бошини ҳам қилади. Афсуски, бу ҳақиқатни Ботир Рамазонов (исм ва фамилиялар ўзгартирилган) ўз вақтида англамади. Икки марта судланиб ҳам тўғри ҳулоса чиқармади.

У «Ватанпарвар» ташкилотига қарашли Гиждувон автомобиль мактабида уста бўлиб ишласа-да, катта-катта ваъдалар беришни хуш кўради. 2019 йил май ойининг охирида телефони жириглаб қолди. Ўзини Фатхулла деб таништирган йигит Россиядан қайтганини ва машина ҳайдашга рухсат берадиган гувоҳнома олиши кераклигини айтди.

– Демак, сизга ҳайдовчилик гувоҳномаси керак, шундайми?

– Шундай, акажон! Лекин мен ҳозир Тошкентдан, ҳужжатларимни топшираману, аммо ўқишга боролмайман.

– Бўпти, келишамиз, – деди Ботир Рамазонов чўнтагини пайнаслаб қўярган. – В тоифа 2 миллион сўм, В, В-С тоифа 2 миллион 800 минг сўм бўлади.

– Раҳмат, акажон! Ҳужжатлар ва пулни олиб бораман, вақти ва жойини айтсангиз бўлди.

– 24 май куни соат ўнларда Қўрғон кўчасида учрашамиз.

Айтилган кунни учрашганларида Б.Рамазонов 20 кун ичида ҳайдовчилик гувоҳномасини олиб беришини, бунинг учун 3 миллион 500 минг сўм келтириши лозимлигини айтди. Б.Рамазонов сўраган пулини келтирган Фатхуллани

кўриб негадир юрагига гумон оралди. Бу ташвиш мудроқ босган виждоннинг безовталиғи эди. Бироқ нафсининг йўриғи бошқа.


– Пулни эртага бухгалтерияга топширасиз, – деди ўзини тинчлантириб. Аммо шунча пул қўлдан кетиб қолишини ўйлади-ю, мактаб ҳовлисида турган қоровулга тегишли «Дамас»ни миниб Фатхулла Сайфиевнинг ортидан борди. Уни машинага миндириб гапга солган бўлди.

– Пулни бардачокка қўйинг...

Б.Рамазоновнинг қувончи узоққа чўзилмади. Ўзларини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари деб таништирган йигитларни кўрганда бир зум довриради, бироз пушаймон қилгандек бўлди. Бироқ надомат хатоларни тузатмайди.

Ойлик маошининг 20 фоизини давлат ҳисобига ушлаб қолиш шарти билан 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига тортилган Ботир Рамазонов бу гал хатосидан сабоқ чиқарармикан? Буни вақт кўрсатади.

Учқун РАЗЗОҚОВ,
департаментнинг Бухоро вилояти бошқармаси катта инспектори



JINOYAT HAQIQATI VA ADOLATI

ЭСКИ КАСАЛЛИКДАН БИР ҲОЛАТ...

Ҳардурилиқ Алимардон Боймуродов 2013 йилда томорқасини суғориш учун артезиан қудуғи қовлатган эди. 2018 йил октябрь ойида МИБ ходимлари унинг уйига келиб, далолатнома ташлаб кетишди. Унда қайд этилишича, электр энергиясидан 11 млн. 659 минг сўм қарзи бор экан. А.Боймуродов Чирокчи тумани электр таъминоти корхонасига югурди. Корхона ҳисобчиси унга қарзни тўлаши зарурлигини уқтирди.

ЎН ИККИ ЙИЛДАН КЕЙИНГИ ЖАЗО

Россия ва Қозоғистонга ишга кетиш авжига чиққан пайт. Ким қаерга бориб иш топса, дарров қариндошларини, қишлоқдошларини чақириб оларди. Шунинг учун мусофирчиликда ҳам танишлар, қишлоқдошлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб яшарди. Бунинг яхши томонлари кўп, касалчилик, ишсиз, пулсиз қолиш каби қийинчиликларни бирга енгашади. Бир-бирининг ҳолидан хабардор бўлиб туради. Мусофирчиликда бир-бирини қўллаганларнинг қадри бўлакча.

Фарход (исмлар ўзгартирилган) Юсуф, Эркин, Бахтиёр ва бошқа қишлоқдошлари билан Қозоғистоннинг Олмаота шаҳри яқинидаги Панфилов кўрғони атрофларига ишга боришди. Қурилишда ишлашади, ётоқхона ҳам қурилиш ҳудудида. Ҳамма аҳил, иш яхши, иш ҳақи ҳам кўнглидагидек. Пул топиш илинжида келган йиғиллар имкони борича ишлаб, уйларига пул юбориб туришибди. Ватанини соғинишдан бошқа муаммо йўқ ҳисоби.

Шундай хотиржам ҳаётни ичкилик барбод қилди. Ишдан кейин кечки овқат маҳали дастурхонга «чарқобост» баҳона спиртли ичимлик ҳам оралаб турарди. Бир гал ичкиликбозлик меъёридан ошиб кетди. Фарходнинг ўзи тўйса ҳам кўзи тўймади.

— Кетдик, — деди шерикларига. — Наманганлик дўстларимиз меҳмонга чақирганганди. Бир гурунғ қилиб келамиз.

Шериклари ҳам рози бўлиб, кўйинга бошлади. Ҳеч ким «бўлди, дам олайлик» демади. Наманганликлар икки километр нарида ишлаб, яшарди. Ўзаро муносабатлари яхши эди. Хуллас, Фарход, Юсуф, Отабек ва Эркин меҳмондорчиликка кетишди. Гап-гап билан манзилга етишди. Мезбонлар яхши кутиб олишди, меҳмон қилинди. Яна арок ичишди. Шундоқ ҳам кайфи бўлган меҳмонлар бу ерда алламаҳалгача гурунғ қилиб қолишди.

Мезбонлар билан хайр-хўш қилиб, ортга қайтишганда ярим кеча бўлиб қолганди. Ҳаммаси мастлиги учун юришлари унмас, бунинг устига гаплари ҳам бир-бирига тўғри келмас эди.

Бир пайт Юсуф юролмаёй эрга ётиб олди, шериклари «тур, кетайлик» деганда бир нарсалар деб гўлдирар, бақирарди. Фарход:

— Бу маст бўлиб қолибди, кўтариб кетамиз, — деди шерикларига.

Кейин Юсуфни кўтаришга ҳаракат қилаётганди, у жуда кўпол сўкиб юборди. Фарход ҳам жажли чикиб Юсуфни уриб-тепиб ташлади. Уни шу туришида қолдириб, ётоқхонага кетишди. Юсуф икки букилганча, гўлдириб сўкиниб қолаверди.

Эртасига шу атрофда яшовчи қозоклар уни топиб олиб, ётоқхонага олиб келишди. Ўзига келган Фарход бориб ундан хабар олди, дўхтир олиб келиб даволатган бўлди. Эртаси куни Юсуфнинг вафот этганини эшитди.

Жуда оддий ҳолатда, ҳеч бир арзили сабабсиз бир инсоннинг умри хазон бўлди. Шу ичкилик бўлмаганда ёки шериклари уриб-тепиб ора йўлда ташлаб кетмаганда фожиа юз бермасмиди?

Қишлоқдошлари Юсуфнинг жасдини олиб кетишди. Бироз муддат ўтгандан кейин Фарход ҳам қайтди. Уйда юрган қунарларнинг бирида уни туман ИИБга чақириб кўрсатма олишди. Шундоқ ҳам хавотирда юрган Фарход дарҳол Қозоғистонга қайтиб кетди. Уйдагилар билан хабарлашиб юрганда унга нисбатан жиноят иши очилиб, қидирув эълон қилинганини эшитди. Шу бўлди-ю, қамалиб кетишдан кўрқиб ватанга қайтмади. Қозоғистонда ҳам орган ходимларидан узокроқ юрди.

Ҳамма нарсанинг нитихоси бор деганларидек, унинг кочкинлигига ҳам чек қўйилди. 2019 йил 22 февраль куни у Олмаота шаҳрида ИИБ ходимлари томонидан ушланди ва Ўзбекистонга юборилди.

Жиноят иши тикланиб, тергов якунига етказилди. Суд ҳукми билан Фарход узок йилга озодликдан маҳрум қилинди. Орадан 12 йил ўтган бўлса-да, ҳақиқат қарор топди.

Бунёд ХОЛМУРОДОВ,
Самарқанд вилояти прокурорининг
катта ёрдамчиси

А.Боймуродовнинг боши қотди. Қарзни тўлашга имкони йўқ эди. Ноябрь ойида туман электр таъминоти корхонаси ҳисобчиси Низомиддин Эшмуродов ва корхонанинг Кўкдала филиали мутасаддиси Шерзод Муротов уйига келиб, қарзни тўлашни талаб қилишди.

Алимардоннинг пул излашдан бошқа иложи қолмади. Декабрь ойида уйдаги қорамолларини Тошкент шаҳридаги таниш қасобларига тошириб келди ва пулини беришларини кута бошлади. Бу орада Шерзод келиб, яна қарзини кистади.

— Молларни Тошкентдаги қасобхонага тошириб келганман, — деди Алимардон. — Лекин пулини ҳали олмадим. Олишим билан дарров тўлайман...

— Бир иш билан Тошкентга бораётгандим, — деди Шерзод. — Агар ўша қасобларингизга айтсангиз, пулни ўзим олиб, қарзингиз учун ўтказардим...

— Квитанция берасизми? — сўради Алимардон.

— Ҳамма қарзингизни тўлаб бўлганингиздан кейин бераман.

Шундан сўнг Алимардон қасобларга кўнгирик қилди. Улар ҳозирча 4 млн. 300 минг сўм пули борлигини айтишди. А.Боймуродов уларга Шерзоднинг боришини, пулни унга бериб юборишлари зарурлигини тайинлади...

Шерзод Муротов бориб, у айтган қасоблардан 4 млн. 300 минг сўм пулини санаб олди. Декабрь ойи охирида Алимардон қасоблардан қолган пулини олгач Шерзодга яна 7 млн. 200 минг сўм берди. Квитанция сўраган эди, Шерзод Низомиддиндан олиб беришини айтди. Аммо орадан бир неча ой ўтди ҳамки, шу бир парча қоғоздан дарак бўлмади.

А.Боймуродов туман электр таъминоти корхонасига бориб, ҳисобчи Н.Эшмуродовга учрашди, ундан қарзи учун тўланган пулига квитанция ёзиб беришини сўради. Ҳисобчи унга квитанцияни Шерзоддан бериб юборишини айтди. Аммо у ҳам квитанция беришни пайсалга солаверди.

А.Боймуродов телефон қилавериб ҳоли-жонига қўймаганидан кейин Низомиддин унга туман электр таъминоти корхонасига ҳеч қандай пул тўланмаганини айтишга мажбур бўлди.

Шундан кейин Алимардон сўраб-суриштириб, Шерзоднинг корхонадан иш-

дан бўшаб кетганига анча вақт бўлганини аниқлади. Алданганини англаб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Жиноят ишлари бўйича Чирокчи тумани судида судланувчилар Шерзод Муротов ва Бойтурган Раҳмоновга оид жиноят иши кўрилди.

Маълум бўлишича, бу икковлон пул ишлашнинг ғаройиб йўлини топишган экан. Шерзод илгари Чирокчи тумани электр тармоқлари корхонасининг Кўкдала филиалида бошлиқ ўринбосари, Бойтурган эса юрист бўлиб ишлаган эди. Улар аллақачон бу ердан бўшаб кетишган бўлса-да, кўпчиликнинг бундан хабари йўқ эди.

Икковлон жиноий тил бириктирди. Ш. Муротов тумандаги Шўрбозор қишлоғида яшовчи Даврон Сафаровнинг номига расмийлаштирилган артезиан қудуғининг электр энергиясидан 16 млн. 804 минг сўм қарзи борлиги ва уни тўлаш учун шу қудуқдан сув ичадиган аҳолидан пул йиғилаётгани ҳақида эшитиб қолди. Бу хабарни унга шу қишлоқда яшовчи, аввал ўзи билан бирга ишлаган Жулбуз Бадалов етказди. Икковлон Д.Сафаров ва Ж.Бадаловни алдаб, уларга қарзининг ярмини тўлаган тақдирда уни қайтадан ҳисоб-китоб қилдириб, корхонанинг «Электрхисоб» дастуридан ўчиртириб беришларига ишонтиришди. 2018 йилнинг январь-февраль ойларида Д.Сафаров ва Ж.Бадаловдан шу қудуқ сувидан фойдаланадиган аҳолидан қарз учун йиғилган 4 млн. 500 минг сўм пулни ҳамда қудуқ насоси ва бошқа ашёларини 4 млн. 500 минг сўмга ҳисоблаб олиб кетишди. Шундан сўнг улар Чирокчи тумани электр тармоқлари корхонаси бошлиғининг «Электрхисоб» дастуридан Д.Сафаровнинг номидаги артезиан қудуғининг қарзини ўчириш ҳақидаги қалбаки буйруғи билан масалани «ҳал қилиб», 9 млн. сўм пулни чўнтакка урди...

Суд ҳукм қилди. Шерзод Муротовга ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йилу 6 ой, Бойтурган Раҳмоновга эса 2 йилу бир ой ахлоқ тузатиш ишлари стажоси тайинланди. Жиноят оқибатида етказилган зарар қопланди.

Рустам УМЕРОВ,
Чирокчи тумани прокурорининг
катта ёрдамчиси



Бирлашган араб амирликларининг Дубай шаҳри ҳукумати 7 июлдан сайёҳлар учун ўз чегараларини очди.

ҚОТИЛ ЖАЗОГА ТОРТИЛМАДИ, АММО...



Омон Юнусов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) турли корхоналарда ҳайдовчи бўлиб ишлаб, пенсияга чиқди. Биринчи турмуш ўртоғи Роҳатой 1996 йилда касаллик сабабли вафот этган эди. Ундан беш фарзанд қолди. Хотинининг вафотидан бир неча йил ўтгач, у яна уйланди. Бу аёли фарзанд кўрмагани сабабли бироз вақт ўтиб ажрашди.

исмли аёл билан шаръий никоҳдан ўтиб яшай бошлади. Кенжа икки ўғли ҳам улар билан бирга эди.

2020 йилнинг январь ойи. Ярим кечаси Омон ўғли Юнус ухлаб ётган хонага кириб, унинг гирибонидан олиб бўга бошлади.

Юнус хириллаганча тиширича кутулишга уринарди. Охири амаллаб уни силтаб ташлади-ю уйдан қочиб чиқди ва қўшнилари ёрдамга чақирди. Қўшнилари етиб келишганида Омон яна ўғлини бўгаётганини айтди. Ўғлини зўрга отасининг чағалидан ажратиб олишди.

Шундан сўнг Омон ўзини галати тута бошлади. Тунда хона бўйлаб юриб чиқар, чирокни сабабсиз ёқиб-ўчирар, кўчага чиқиб кетарди.

Тоқати тоқ бўлган Зухра қайинсинглиси Сожидага кўнғирок килди:

– Акангизнинг мазаси бўлмапти. Жуда кўрқиб қолдик. Дўхтирга кўрсатамизми, муллага ўқитамизми, бирор нарса қилмасак бўлмайди...

Шундан сўнг яқинлари уни профилактика инспектори билан Қарши шаҳридаги рухий касалликлар шифохонасига даволаш учун олиб боришди. Аммо орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан қайтариб олиб келишди.

Зухра яна Сожидага кўнғирок қилиб, эрининг аҳволи яхши эмаслигини, тунда безовта бўлиб юриб чиқаётганини айтди.

Сожида қилаётган ишини ташлаб, акасининг хонадонига югурди.

– Менга бир нарса бўлапти, – деди Омон синглисига. – Фол очтирасизларми, эшонга ўқитасизларми, бирон нима қилмасаларинг бўлмайди...

Қариндошлар яна маслаҳатлашишди. Эртаси куни Косондан мулла олиб келиб ўқитишди. Жиянлар навбатма-навбат тоғасининг ёнида ётадиган бўлишди. Сожида ҳам тез-тез жигаридан хабар олиб турди.

Уша куни саҳарлаб Омон Сожиданикига жияни Санжарни йўқлаб келди.

– Тинчликми? Нима қилиб юрибсиз эрталабдан? – акасининг бемаврид ташрифидан синглининг ранг-қутти ўчди.

– Қўйини ўғирлаб кетишибди, – деди Омон саросима ичиди. – Ўғлим ерда ётибди, бориб қаранглар-чи, нима бўлибди унга?

Сожиданинг кўнгли хижил бўлиб, вазиятни эрига тушунтирди. Сўнг акаси билан бирга унинг хонадонига ўғлининг машинасида боришди.

Омон дарвозани очди. Ҳовлига сукунат чўққанди. Отасининг машааларидан юрак олдириб қўйган Юнус ҳам амаларининг уйида ётиб юрарди.

Биргаликда молхонага кирганларида қўйлар жойида турганини кўриб, Сожида хайрон бўлди. Акаси эса алмойи-жалмойи гапларни гапирарди...

Қўлашиб Омоннинг уйига киришди. Тўғридаги хонада ҳамма нарса тўзғиб ётарди. Чап томондаги хона ёнида эса жуфт қалиш турарди. Қарашса, устига тўн ёпиб қўйилган Асрорбек жонсиз ётибди. Боланинг оғзидан силқиб чиққан қон лабида

қотиб қолганди... Ота ногирон боласини бўғиб, бошини дераза ойнасига уриб, ўлдириб қўйганди...

Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти судида видеоконференцалока режимида ўтказилган очик суд мажлисида Омон Юнусовнинг жинояти кўриб чиқилди.

Стационар суд психология-психиатрия комплекс экспертизасида Омон Юнусов рухий касаллик билан хасталангани ва мажбуран даволаниш учун шифохонага жойлаштиришга мухтож эканлиги аниқланди.

Суд ажримига кўра Омон Юнусов Жиноят кодексига назарда тутилган ақлимасоҳиб ҳавфи қилишнинг ижтимоий ҳолатида содир этган деб хисобланди ва жиноий жавобгарликдан озод қилинди. Жиноят иши тугатилиб, Омон Юнусов мажбурий даволаниш учун Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қузатуви кучайтирилган рухий касалликлар шифохонасига жойлаштирилди.

Омон Юнусовнинг ўғли Юнус суд мажлисида отаси Асрорбекни жуда яхши кўришини, бола ҳам унга каттиқ меҳр қўйганини айтди... Аммо...

Бу фожиа Омон Юнусовнинг қариндошларини, маҳалладошларини чуқур қайғуга солгани тайин. Шу билан бирга яқинларга нисбатан ҳамisha эътиборли бўлишга ундаган бўлса ажаб эмас...

Абдирашид ЖўРАЛОВ,
Қашқадарё вилояти
прокуратураси
бўлим бошлиғи

Шундан кейин Омон Юнусов янгибодлик Гулмира исмли аёл билан оила қурди. Гулмира унга ўғил туғиб берди. Болага Асрорбек деб исм қўйишди. Бирок... Унинг бир кўзи кўр, иккинчиси эса жуда

хира кўрарди. Эр-хотиннинг ўртасида келишмовчилик авж олди. Ниҳоят тоқати тоқ бўлган Гулмира ногирон боласини унга ташлаб, ажрашиб кетди.

Бир неча йил ўтиб, Омон Юнусов яна уйланди. Зухра

ҲОВЛИГА КЎММИЛГАН «ФАЛОКАТ»

Эшигини тақиллатиб, бир пиёла чой сўраган лўли аёлларга Замиранинг ичи ачиди. Айниқса, улардан бирининг ҳомиладорлигини кўриб, савоб қила қолай деди. Уйига таклиф қилиб, олдига чой-нон қўйди. Аёлнинг кўнгли очиклиги тиланчилик қилиб кун кўришга одатланган Гулҳаё ва Зилола учун айни муддао бўлди. Гулҳаё аёлга разм солиб, бош чайқайди:

– Опажон, бошингизда ажал айланаяпти, оилангиздаги тўрт кишига ўлим дуоли қилинган, сизни бўйнидан осилиб ўлсин дейишибди.

Замира салчиб тушди.

– Истасангиз, дуо касрга кўмилганини кўрсатаман, – Гулҳаё аёлдан ҳовлига олиб чиқишни сўради. Ҳовлининг бир бурчагини қовлаб, у ердан қандайдир тугун олди.

– Мана, шу дуо оилангизга ўлим чақираяпти. Уни очиб берман.

Уйга қайтиб киришгач, Гулҳаё аёл бўйнидан осилиб ўз жонига қасд қил

маслиги учун бўйнига осадиган тилла занжирга ўқиб қўйиши кераклигини айтди. Замира шоша-пиша ичкаридан тилла занжирини олиб чиқиб берди.

– Қулоғингиздаги зирагингиз, қўлингиздаги узунгизни ҳам қўшингиз, ҳаммасига ўқиймиз, – қўшилди Зилола. Аёл уларнинг айтганини сўзсиз бажарди. Гулҳаё тилла тақинчоқларни бир тугунга туғиб, нималарнидир ўқиди, кейин хонадаги шкафининг тепасига отиб юборди.

– Бу ҳақда ҳеч кимга айтманг. Тугунни етти кунгача очманг, йўқса дуо очилмай қолади, – қаттиқ тайинлади Гулҳаё.

Дуони очиб бергани учун шампунь, совун, кунгабоқар мойи сўради. Яна йигирма бир кўшнисиникига кириб тиланчилик қилиш зарурлигини ҳам айтди.

– Мен... ундай қилмайман, – деди Замира.

– Майли, бир савоб қилайлик, буниси учун ўзимиз қиламиз, кейин ҳаммасини эхсон қилиб юборамиз, – деди Зилола. – Сиз кўчага бир қараб кўрсангиз, ҳеч ким йўқмикин?

Замира кўчада ҳеч ким йўқлигини айтиб келгач, аёллар кетишга чоғланшди. Бу ҳақда ҳеч кимга айтмасликни, йўқса тез орада ўлим бўлишини айтиб, жўнаб қолди.

Аёллар кетгач, Замира бўшашиб қолди. Шунга ўхшаш воқеани кинода кўргани, кимдандир эшитгани ёдига тушди. Шошиб шкаф тепасига отилган тугунни олди. Тугун ичиди бир бўлак қотган

нон бор эди. Замира кўчага отилди. Лўли аёллар шошибди кетишаётгани. Уларнинг орқасидан юғриб, тўхтаблар деб қичқирди. Аммо аёллар унга қайрилиб ҳам қарашмади. Автомашинига миниб жўнаб қолди.

Замира йўғлай-йўғлай ҳуқуқ-тартибот органларига мурожаат қилди. Тезкор қидирув асосида фирибгар аёллар қўлга олинди. Қашқадарё вилояти КИТоб туманида тутилган Гулҳаё ва Зилола Замирандан ундирган 5 млн. 441 минг сўмлик молни шу кунгача ярим баҳосига сотиб юборишган эди. Улар етказилган зарарни қоплашди. Камига ҳар бири белгиланган тартибда жаримага тортилди.

Мардонбек РАЖАБОВ,
Хива тумани прокуратурининг
катта ёрдамчиси

Аллоҳ таоло каломи шарифида «Биз инсонни энг яхши суратда яратдик» деб марҳамат қилган. Мукаррам қилиб яратилган инсон доимо гўзалликка интилиб яшайди. Лекин бундай ҳавас бугун баъзи кишиларни ғайриоддий ишларга бошламоқда.

ГЎЗАЛЛИКМИ

ЭКИ

СОХТАЛИК...



Масалан, бировлар ўз баданига ҳар хил нақш ва расмлар чиздиришади. Бу эса Яратган берган ҳуснга норозиликдан ўзга нарса эмас. Булар татуировка ва татуаж кабилардир. Парвардигор нафақат бандаларни гўзал суратда яратди, балки бошқа махлуқларга берилмаган ақл ва ҳалол ризқ каби тенги йўқ неъматларини ҳам ато қилди. Мана шу неъматлар учун шукур қилиш ўрнига ўз жисмига озор бериб, чиройли суратни ўзгартирувчилар ношукур бандалардир. Хўш, татуировка ва татуаж нима, қандай чизилади?

Татуировка – турли хил шакл, расм ва нақшлар чизиб учун тери остига бўёвчи моддаларни синдиришдир. Авваллари татуировка қилдирувчилар жуда санокли бўларди. Ҳозир эса у оммавийлашиб, баъзи ёшларнинг фахрига айланган, ҳаттоки бунга аёллар ҳам ружу қўйди. Аслида бундай одат юкмули касалликларни келтириб чиқариши мумкин. Тарихий китобларда ёзилишича, татуировканинг қадимий

кўринишлари ибтидоий жамоа тузуми даврида вужудга келган. Аввалига бир қабила аъзоларини бошқа қабиладан ажратиб кўрсатиш учун қўлланган белги келчинчалик ашаддий жиноятчилар учун жазо воситасига айланган. Европага татуировкани XVIII асрда сиёсатчи Жеймс Кук олиб кирган. Аммо қайси манбани кидирмайлик, халқимиз ўтмишида татуировка тўғрисида бирор маълумот топиламади.

Татуаж ҳам татуировка каби чизилади. Татуаж узок мудатгача пардоз буюмларини унутиб, лаб, кўз ва қошга шакл бериш, тери нуқсонлари бўлиниш чандик ва доғларни яшириш, хол қўйиш ёки табиий холларга бироз ранг бериш, умуман ҳар қандай вазиятда гўзал кўриниш имконини беради. Бироқ аёл ва қизларимиз татуажнинг соғлиққа, қолаверса, ташқи кўринишга сезиларли даражада зиён етказишини билишармикан? Сохта гўзаллик деб ўз саломатлигиндан айрилишини кўпчилик билмас керак.

Ҳозирги кунда татуировка қилдирувчилар анча кўпайган. Уларнинг асосий қисми ёшлар, ўспиринлар. Ўзини замонавий қиз ва аёллар деб билувчилар орасида татуаж кенг тарқалмоқда. У гўзаллик салонларида ишловчиларнинг сеvimли машғулотига айланиб бўлган. Тиб мутахассислари татуировка ва татуаж инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатишини таъкидлайдилар. Хавотирли жихати шундаки, бунинг оқибатида юкмули касалликлар тарқалиши кўпаймоқда. Сунгги маълумотларга қараганда, татуаж учун ишлатилган бўёқлар таркибида саратон хасталигини чақирувчи модда борлиги аниқланган.

Баданга турли хил шакллари чизиб ва чиздириш ислом динида қатта гуноҳ ҳисобланади.

Ибн Умар розияллоху анху ривоят қилишича, Расулulloх с.а.в. соч улагувчи ва соч улагувчи ҳамда (холга ўхшаш бирорта) белги қўювчи ва қўйдирувчи аёлларни ланъатлаган.

Абу Ҳурайра розияллоху анхундан ривоят қилинади: «Набий с.а.в.: «Аллоҳ улама қилувчи аёлни ҳам, улама қилдирувчи аёлни ҳам ва шум қилувчи аёлни ҳам, шум қилдирувчи аёлни ҳам ланъатлаган» дедилар. Яъни, жоҳилият даврида «вашим» – ясама хол қўйиш ҳам авж олган эди. Аёллар сохта чирой иштиёқида ўзларининг соғ баданларини игна ила тештириб қон чиқариб, жароҳат ўрнига сурма ёки шунга ўхшаш бирорта модда сеппиб ясама хол қўйишар эди. Буни

амалга оширадиган мутахассис аёллар бор эди. Ким сохта хол қўйдирувчи бўлса, ўшаларга мурожаат қиларди.

Ибн Масъуд розияллоху анхундан ривоят қилинади. Бу зот «Аллоҳ таоло (холга ўхшаш бирорта) белги қўювчи ва қўйдирувчи, кошларни териб ингичка қилдирувчи, яккам-дуккам тишларни чиройли бўлиши учун эғволатувчи ва Аллоҳ яратган нарсаларга ўзгартиш киритувчиларни ланъатлаган» деганларида бир хотин Ибн Масъудга эътироз билдирган эди, шунда Ибн Масъуд розияллоху анху «Аллоҳнинг Расули ланъатлаган бўлса, қандай қилиб мен ланъатламайин?! Қолибуки, Аллоҳ таоло Куръони каримда: «Пайғамбар сизларга келтирган нарсани олингиз, у сизларни қайтарган нарсадан қайтингиз ва Аллоҳдан кўрингиз!» (Ҳашр сураси 7-оят) деган» деб жавоб қилдилар (Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари).

Хулоса ўрнида шунга айтишимиз керакки, тиббий ва илмий жиҳатдан уларнинг зарарли оқибатларидан хабардор киши бундай бўлмағур ишга қўл урмаслиги табиий. На ўзлимизга ва на динимизга тўғри келадиган, имонимиз, жисмимизга зарар келтиришдан бошқа нарсага ярамайдиган бу каби оммавий маданият таъсиридан биз ўзимизни ва бошқаларни асрамоғимиз лозим.

Бекзод НАРҚУЛОВ,
Чироқчи тумани бош имом-хатиби

БИЛАСИЗМИ?

ЧҶЧҶАЙҶАН ЛАБЛАР СИРИ

Айни пайтда ботокс бутун дунёда бўлгани каби ўзбек жамиятига ҳам ўз таъсирини кўрсата бошлади. Унга таъриф берадиган бўлсак, ботокс аёлларни табиийликдан узоклаштирган, чўччайган лаблару бўртиб чиққан сунъий юзли «кўғирчоқлар»нинг тарқалишига сабаб бўлган иллатдир.

Авалло ботоксининг келиб чиқиши ва унинг моддаси билан танишайлик. 16 – 18-асрларда Америка ҳиндулари ботулинум моддасини ўқларнинг учига суртиб ов қилишда фойдаланишган экан. Кейинчалик бу моддани даволаш мақсадида ишлатиш мумкинлиги маълум бўлган. Олимлар бу модда мушакларни фалажлашини аниқлашган.

1980-йилларга келиб ботулинум моддасидан косметик мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ихтиро қилинади. 2002 йилда АКШдаги «Аллерган» фирмаси ботулинум моддасини кўз атрофи ва икки кош

орасидаги ажнларни йўқотишда ишлатиш борасида тегишли ташкилотлардан ружат олади. Ушбу моддадан тайёрланган препаратлар 70 та мамлакатда бир неча йиллардан буён эстетик ва косметик жарроҳликда қўлланмоқда.

Ботоксининг салбий оқибатларига тўхталадиган бўлсак, инъекция танага киритилганда дастлаб оғриқ, шиш, қўкариш, бош оғриғи, кўнгил айниши, иситма кўтарилиши кузатилади. Бир неча марта ботокс қилинганда эса миёда салбий ўзгаришлар пайдо бўлиб, бу юрак фаолияти бузилишига олиб келади. Бора-бора боту-

линум моддаси инсон танасига жиддий зарар еткази бошлади. Хусусан, ботокс қилдирган одамларнинг нутқида ўзгаришлар содир бўлади. Шу билан бирга, бу модда танага киргандан кейин вақт ўтиши билан одам ютинишга ҳам қийнала бошлади. Ҳатто нафас олишда ҳам жиддий нуқсонлар пайдо бўлиб, кўриш қобилияти пасаяди. Мушаклар зарарланиши оқибатида инсон пешоб тутта олмай қолади.

Юртимиз аёллари, опа-сингилларимиз ботоксининг зараридан огоҳ бўлишлари ҳамда ундан ўзларини сақлашлари керак.

Healthline.com сайтдан
Жавоҳир ҲАЙИТБОЕВ таржимаси

ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти томонидан «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» қайта таҳрир қилиниб, нашрдан чиқарилди.

HUQUQ

YURIDIK GAZETA

MUASSIS:

**O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi**

BOSH MUHARRIR:

Jahongir MAKSUMOV

TAHRIIR HAY'ATI:

**Erkin YULDASHEV
Halim BOLTAYEV
Sodiqjon NAZAROV
Hayot SHAMSUTDINOV
Utkirjon DEXKANOV
Maqsudali QAMBAROV**

TAHRIIRIYAT
MANZILI:

**Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.**

**Telefon: 233-98-40,
Faks: 233-10-53,
233-64-85**



www.huquq.uz



info@huquq.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqrig qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

«HUQUQ» materiallari ko'chirib bosilganda manbaa sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.

✉ – tijorat materiallari.

Buyurtma v-4230.
16 352 nusxada bosildi.

Oqo'z bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: F.YODGOROVA
Sahifalovchi: S.BABAJOV

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O'zbekiston» nashriyat matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxonamanzil: Toshkent shahar,
Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yl 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617



Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бosh прокуратураси жамоаси ҳамда Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази прокуратура фахрийси **Зоя БАКШЕЕВА**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чукур таъзия изҳор қилади.

БОШ ПРОКУРАТУРА АКАДЕМИЯСИ: МАГИСТРАТУРАГА ҚАБУЛ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси академияси магистратурасига 2020/2021-ўқув йили учун қабул бошланди (хужжатларни онлайн тарзда <https://new.procademy.uz/uz-lat/login> ҳаволаси орқали топшириш мумкин).

Имтиҳонлар давлат органлари, олий таълим муассасалари, шунингдек, Ёшлар иттифоқи каби нодавлат нотижорат ташкилотлар вакилларининг кузатувида ўтказилади. Бутун имтиҳон жараёни ОАВ ва академиянинг ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифалари орқали ёритиб борилади.

Магистратурага танлов юриспруденция мутахассислиги бўйича олий юридик маълумотга эга бўлган шахслар орасида ўтказилади. Шунингдек, бошқа таълим йўналишлари бўйича олий маълумотга ва бевосита прокуратура органларида камида 5 йиллик меҳнат стажига эга бўлган ходимлар ҳам танловда қатнашиши мумкин.

Академия магистратурасининг «Коррупцияга қарши курашиш», «Прокурорлик фаолияти» ва «Тергов фаолияти» йўналишлари бўйича 30 та (давлат гранти бўйича 18 та, шартнома асосида 12 та) қабул квотаси тасдиқланган бўлиб, УЛАРДАН:

– ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ
УЧУН КВОТА – 15 ТА (ҲАР БИР ЙЎНАЛИШ
БЎЙИЧА 5 ТАДАН);

– ОЧИҚ ТАНЛОВ БЎЙИЧА КВОТА – 15 ТА,
ШУ ЖУМЛАДАН ДАВЛАТ ГРАНТИ АСОСИ-
ДА 3 ТА (ҲАР БИР ЙЎНАЛИШДА 1 ТАДАН)
ВА ШАРТНОМА АСОСИДА 12 ТА.

Прокуратура ходимлари ўқишга қабул қилинганда эгаллаб турган лавозими ва ўртача ойлик иш ҳақи сақланиб қолади, очик танлов асосида қабул қилинган номзодларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва миқдорда стипендия тўланади.

Кириш имтиҳонлари инновацион ёндашув ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўтказилади. Хусусан, номзодларга индивидуал идентификация рақамлари берилди, имтиҳон натижалари эса тўлиқ шифрланди.

Адолатли танлов, ҳолислик ва ошқораликни таъминлаш мақсадида Бош прокурор буйруғига асосан академия ва прокуратура ходимлари, нуфузли ҳуқуқшунослар ва суд-ҳуқуқ соҳаси вакилларидан иборат комиссия ва эксперт гуруҳлари ташкил этилади.

Зарур ҳужжатлар, имтиҳон саволлари ва баҳолаш мезонлари ҳамда номзодларга қўйилган талаблар ҳақидаги маълумотлар академиянинг расмий сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларига жойлаштириб борилади.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ ЁЗМА ИМТИҲОН
ВА ОҒЗАКИ СУҲБАТДАН ИБОРАТ.

Ёзма имтиҳон ҳуқуқий мавзуда эссе ва чет тили бўйича тест саволларидан иборат бўлади. Чет тили бўйича сертификатга эга бўлган номзодлар энг юқори балл берилган ҳолда имтиҳондан озод қилинади.

Мутахассислик фанлари бўйича ёзма имтиҳон билетлари ҳуқуқшунослик фанлари (фуқаролик, жиноят, жиноят-процессуал, меҳнат ҳуқуқи ва бошқалар) бўйича эссе мавзуларидан иборат бўлади.

Шу билан бирга, номзодга тақлиф этилган саволлар орасидан мавзунини танлаш имконияти берилди, бу эса уларнинг билимларини юқори даражада намоён этишига ёрдам беради.

Мутахассислик бўйича ёзма имтиҳондан муваффақиятли ўтган номзодлар кириш имтиҳонларининг кейинги босқичи – суҳбатга киритилади.

Суҳбат жараёни ёзма имтиҳон каби онлайн трансляция қилинади.

Чет тили, ёзма имтиҳон ва суҳбат натижаларига кўра энг юқори балл тўплаган номзодлар академия магистратурасига қабул қилинади.

Магистратура мутахассисликлари бўйича кадрларни тайёрлаш жараёни илғор инновацион дастурларга асосан назариянинг амалиёт билан уйғунлигини таъминлаган ҳолда олиб борилаётган.

Академияга ҳорижий мамлакатларнинг давлат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларида фаолият юритган, ўз соҳасининг етуқ мутахассиси бўлган экспертлар жалб этилади. Масалан, бугунги кунда академиянинг «Коррупцияга қарши курашиш» мутахассислиги бўйича ўқув дастурлари Австриянинг Вена шаҳридаги Халқаро коррупцияга қарши курашиш академиясини кўп йиллар бошқарган Мартин Кройтнер ва Словениянинг коррупцияга қарши комиссиясига раҳбарлик қилган Горан Клеменчич каби нуфузли экспертлар томонидан халқаро стандартлар асосида тақомиллаштирилмоқда.



Ўқув йили давомида юридик ҳужжатларни инглиз тилида тузиш, ёзма ва оғзаки нутқ қобилиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Бу жараёнга АҚШнинг Вашингтон университети профессори Патрисия Маклофлин ва Виттенберг университети битирувчиси Мэдисон Крстич жалб этилди.

Академиянинг суд жараёни, тергов-криминалистика ва тезкор қидирув жараёнларини имитация қилувчи махсус ўқув хоналарида ўтказиладиган машғулотлар тингловчиларга ўзлаштирган билимларини қўллаш ҳамда зарур кўникмаларни эгаллашга ёрдам беради.

Академия тингловчилари прокуратура органлари фаолияти билан яқиндан танишиш, фуқароларни қабул қилиш ва муножабатларни қўриб чиқишда иштирок этиш, воқеа жойларига чиқиш, процессуал ҳужжатларни расмийлаштиришда қатнашиш, криминалистика тактикаси ва техникасини ўзлаштириш имкониятига эга бўлади.

Академияда тингловчиларнинг танқидий фикрлаш, масъулият, интизомга риоя қилиш, етакчилик, мулоқотга киришувчанлик каби кўникмаларини ривожлантириш мақсадида психологларни жалб этган ҳолда махсус машғулотлар ташкил этилади.

Шундай қилиб, етуқ ҳуқуқшунос бўлишни истагангиз сизларни Бош прокуратура академиясида кутиб қоламиз.

Маълумот учун телефон: 71-202-04-96
(ички:1775)

BU QIZIQ

ЖАЗИРАМА ИССИҚДА ТАВСИЯ ЭТИЛМАЙДИ

Айрим маҳсулотларни жазирама кунлари истеъмол қилиш тавсия этилмайди. Қуйида ана шулар ҳақида сўз юритамиз.

ОҚСИЛГА БОЙ МАҲСУЛОТЛАР

Аслида парҳезишнослар оқсилга бой таомларни истеъмол қилишни тавсия қилишади, лекин жазирамада эмас. Чунки иссиқда организм оқсилни ҳазм қилишга қийналади. Шу боис ёз кунлари қувватни углеводга бой мева ва सबзавотлардан олиш тавсия қилинади. Бу таркибида оқсил бўлган маҳсулотларни рациондан буткул чиқариб ташлаш керак дегани эмас, шунчаки гўштни камроқ истеъмол қилиш керак.

АЧЧИҚ ҚАЛАМПИР

Қизил қалампир озишга ёрдам бергани, қон айланишини яхшилагани билан унинг таркибида қизитиш хусусиятига эга капсаицин моддаси бўлгани туфайли иссиқ кунларда истеъмол қилиш тавсия этилмайди. Чунки ташқари ва ичингиздаги ҳарорат тўғри келмасдан, ўзингизни ёмон ҳис қилишингиз мумкин.



МУЗДЕК ИЧИМЛИК ВА МУЗҚАЙМОҚ

Қанчалик ғайритабиий туюлмасин, муздек нарсани истеъмол қилаётган вақтнинг ўзидагина одам совуқни ҳис қилади. Яхна ичимлик ёки музқаймоқ тутаганида эса аввалгидан ҳам кўпроқ иссиқлик билинади. Гап шундаки, организм маҳсулотни шундайлигича ҳазм қилмасдан аввалига тана ҳарорати даражасида иситиб олиши керак. Бундан ташқари, музқаймоқ ва ҳаво ҳароратидаги фарқ туфайли бош оғриши кузатилади. Шу боис хона ҳароратидаги ичимликни ичиш тавсия этилади.



Интернет хабарлари асосида тайёрланди